

ХАР КҮНИМИЗ
НАВРҮЗ БЎЛСИН!



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 26-fevral, chorshanba № 17 (8666)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

2014 ЙИЛГИ НАВРҮЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз учун шарқона янги йилнинг бошланиши, энг қадимий, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўз айёмини марказда ва жойларда ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан кутиб олиш ва нишонлаш мамлакатимизда эзгу анъанага айланиб қолди.

Бугунги кунда ушбу умуммиллий байрамнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири, инсоннинг табиат билан уйғун бўлиб яшashi, унинг қалбига эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби олижаноб туйғуларни уйғотиш, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизни миллий қадрият ва анъаналаримиз руҳида камол топтириш борасидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ана шуларнинг барчасини инобатга олиб ҳамда Наврўз байрамини юксак савияда, муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 1-иловага, ижодий гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита ва унинг худудий бўлимлари Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган, **"Хар кунимиз Наврўз бўлсин!"** деган шиори асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Тадбирлар режасини тайёрлашда қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз фаслида инсоннинг табиат билан ҳамоҳанг бўлиб, ўзини табиатнинг ажралмас бир қисми деб ҳис этишини ифода қиладиган, атроф-муҳитни, она заминни эъзозлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

жойларда бўлиб ўтадиган учрашув ва суҳбатларда, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз учун сеvimли байрамга айланган Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган аҳиллик ва ҳамжихатлик, меҳру саховат, кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, кўмакка муҳтож инсонларга бегараз ёрдам бериш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш;

янги дехқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгилаши, кут-барака, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз фаслида маҳалларда, шаҳар ва қишлоқларимизда ҳашарлар, кенг қўламдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган байрам дастурларига фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахши-шоирлар, шунингдек, профессионал ирочилар ва истеъдодли эстрада артистларини танлов асосида жалб этиш;

байрам дастурларини тайёрлашда халқ уйинлари, фольклор санъати намуналарига, эл-юртимизнинг дилидан чуқур жой олган, гўзал инсоний туйғуларни юксак пардаларда тараннум этадиган куй ва ўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қoplanади.

4. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ислом КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 24 февраль

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 февраль куни Оқсаройда Беларусь Республикаси, Латвия Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Грузия, Туркия Республикаси, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Факултодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Николай Клакевич, Эдгарс Бондарс, Найтхарт Хёфер-Виссинг, Константин Жгенти, Намик Гунер Эрпул, Сунь Лицзедан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари янги тайинланган элчилар билан суҳбатда уларни мамлакатимизда шарафли ва масъулиятли вазифани бажаришга қиришаётгани билан самимий қутлади. Ўзбекистон улар вакили бўлган мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга муҳим аҳамият бериб келгани ва бундан буён ҳам эътибор қаратишини қайд этиб, элчиларнинг фаолиятига муваффақият тилади.

Мулоқот чоғида бугунги кунда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги муносабатлар ҳамкорликка оид салмоқли шартномавий-ҳуқуқий пойдевор асосида изчил ривожлантирилгани ва бу барча соҳаларда ўзаро манфаатли алоқалар доирасини янада кенгайтириш имконини бераётгани таъкидланди.

Элчи Николай Клакевич мамлакатларимиз ва халқларимизни вақт синовидан ўтган дўстлик ришталари боғлаб туришини, уларнинг манфаатлари йўлида икки томонлама алоқаларни изчил ривожлантириш-

га ҳисса қўшишни ўзининг асосий вазифаси, деб билишини қайд этди.

Латвия элчиси билан суҳбатда мунтазамлик касб этган сиёсий мулоқотлар, икки мамлакат парламентлари, ишбилармон доиралари, илм-фан ва таълим, маданият ва санъат вакиллари ўртасидаги алоқалар Ўзбекистон ва Латвия ҳамкорлигига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Президентининг 2013 йилнинг октябрь ойида Латвияга давлат ташрифи чоғида бўлиб ўтган самарали музокаралар, улар якунида имзоланган 31 ҳужжат ўзаро манфаатли ҳамкорлик раванқига янги суръат бахш этди.

Элчи Эдгарс Бондарс мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, аввал эришилган давлатлараро шартнома ва келишувларни ҳаётга татбиқ этиш учун бутун куч-ғайрати ва дипломатик тажрибасини ишга солишни таъкидлади.

(Давоми 2-бетда.)



ИҚТИДОРЛАР МАСКАНИ

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори асосида Жиззах вилоятида замонавий санъат кошоналарини барпо этиш ва уларни бугунги кун талаблари асосида жиҳозлаш ишлари изчил олиб борилаётган.

Аرنасой туманидаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактаби 2011 йилда амалга оширилган реконструкция ишларидан сўнг кўркам қиёфа касб этиб, замонавий шaroитларга эга бўлди. Фортепьяно, миллий чолғулар ижрочилиги, рақс, тасвирий санъат, ёғоч ўймакорлиги, мисгарлик сингари йўналишларда билим ва маҳоратини ошираётган 214 ўқувчига малакали педагоглар сабоқ бермоқда.

Суратда: ўқитувчи Насиба Давронова ўқувчи Даврон Каримов билан машғулотда.

Шерзод НАЗАРОВ (ЎЗА)
олган сурат.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бугунги кунда Германия Ўзбекистоннинг Европадаги асосий сийёси ва иқтисодий ҳамкорларидан биридир. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми аввалги йилга нисбатан сезиларли даражада ортиб, 591 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Германиянинг етакчи компаниялари иштирокида илғор технологиялар асосида нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ҳам талаб юқори бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган қатор корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Элчи Найтхарт Хёфер-Виссинг Ўзбекистондаги фаолияти мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш учун қулай имконият эканини қайд этди.

Ўзбекистон ва Грузия ўзаро ҳамкорлики икки томонлама ва халқро ташкилотлар доирасида изчил ривожлантириб келмоқда. Мулоқот чоғида таъкидланганидек, иккала мамлакат ҳам ўзаро фойдали муносабатларни кенгайтириш, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка янги суръат бахш этишдан манфаатдор.

Грузия элчиси Ўзбекистонга тайинланганини ўзи учун юксак шараф деб билишини ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги аънавий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшишга тайёр эканини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Туркия ўз минтақасида муҳим ўрин тутувчи мамлакатлар сифатида ўзаро фойдали бўлган барча соҳаларда ҳамкорлики изчил

ривожлантиришдан бирдек манфаатдор. Бу Президент Ислам Каримовнинг яқинда Сочида Туркия Бош вазир Ражаб Таййиб Эрдоғун билан қисқа учрашувида яна бир қарра ўз тасдиғини топди.

Туркия элчиси Ўзбекистонга тайинланишини юксак даражадаги дипломатик мақом деб билишини ҳамда мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида куч-ғайратини аямаслигини қайд этди.

Хитой элчиси билан мулоқот чоғида таъкидлангани, 2012 ва 2013 йиллардаги олий даражали ўзаро ташрифлар, Ўзбекистон ва Хитой раҳбарларининг икки томонлама ва минтақавий муҳим масалалар юзасидан атрофлича музокаралари, мамлакатларимиз ўртасида имзоланган Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация, иқтисодиёт соҳасидаги бошқа битимлар ўзаро ҳамкорлиқнинг асосларини янада мустаҳкамлади, барча йўналишлардаги давлатлараро алоқаларга янги суръат бағишлади.

Элчи Сунь Лицзе Хитой раҳбарияти Ўзбекистон билан муносабатларни тенглик ва узоқ муддатлик асосида ривожлантириш тарафдори эканини қайд этиб, гоят муҳим бўлган бу вазифани амалга ошириш учун бор куч ва имкониятларини ишга солишга тайёрлигини таъкидлади.

ЎзА



БОЛА ТАРБИЯСИДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ МУҲИМ

Шайхонтоҳур туманидаги 254-умумтаълим мактабида "Бир болага етти маҳалла ота-она" шiori остида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлиги самарасини оширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, туман ҳокимлиги, прокуратураси ходимлари ва маҳалла фаоллари, ота-оналар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар тизимда олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, ўн икки йиллик мажбурий

таълимга ёшларнинг қамраб олиниши баркамол авлод тарбиясида муҳим масала эканини таъкидладилар. Билим олиш баробарида ҳар бир ўғил-қиз ўз қизиққан соҳаси бўйича тегишли касб-хунар синларини ҳам ўрганади.

Мактаб ўқувчилари томонидан ўзбек, инглиз ва рус тилларида "Фарзанд азиз — одоби ундан азиз", "Касбим менинг — фахрим менинг", "Начи ва чумоли" мавзусида сахна чиқишлари қилинди. Оиладаги носоглом муҳитни бартараф этиш йўллари бўйича кўргазма намойиш этилди.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

ЮРТИМИЗНИНГ ҚАҲРАМОН АЁЛЛАРИ

...Мавлуда Исматованинг умри ўқитувчиликда ўтмоқда. Касбининг машаққати сочларини анча оқартириванига қарамай, ҳамон ўктам, айни пайтда болалардек беғубор ва самимий. Муаллима ўқувчиларга билим бериш билан бирга одамийлик, меҳнатсеварлик, фидойилик, меҳр-оқибатдан сабоқ беради. Чорак аср муқаддам бундай фазилятлар соҳибаси бўлмиш оддий ўқитувчининг меҳнати эъзозланиб, Ўзбекистон Қаҳрамонидек олий мукофотга лойиқ топилганини тасаввур ҳам қилиб бўлмасди.

га доир кенг қўламли эзгу ишлар билан ҳамоханг тарзда олиб борилаётгани диққатга сазовордир.

Ўтган вақт мобайнида таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, миллий ҳунармандлик, ишлаб чиқариш, фермерлик каби тур-

каби эзгу ишлар самараси тобора ортомқода.

Эл-юрт ишига камарбаста Сибёсатхон Абдуллаева, Патилан Эргашева, Халчохон Мирзаева сингари аёлларнинг эзмушижоати, ғайрати, меҳнатсеварлиги, тиниб-тинчимаслигига

Айни пайтда навқирон авлоднинг буюк аждодларимизга муносиб этиб тарбиялаш, уларга пухта билим бериш, оқу қорани таниб улгурмаган мурғак қалб эгаларини маънавий-ахлоқий мезонларимизга зид бўлган зарарли гоялар, «омма-

қўлланмалар, «Қизиқарли математика», «Математика ва компьютер саводхонлиги», «Ўқувчилар тарбияси» сингари дарс ишланмалари ўғил-қизларнинг аниқ фанларни ўрганишга бўлган иштиёқи ортишига хизмат қилмоқда.

Куялчан ва меҳридарё, айни пайтда талабчан Вера Пакини Хива шаҳридаги 20-меҳрибонлик уйда тарбияланган болаларнинг бари «Ойижон» деб атади. Опанинг одамийлик, халоллик, меҳнатсеварлик, инсоф-диёнатга оид ўғитлари катта ҳаёт оstonасидаги ёшларга умр бўйи йўлдош бўлмоқда.

— Ўзбекистондек аёллари ардоқланган мамлакатнинг бахтиёр фарзанди эканидман фахрланаман, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Хоразм вилояти Қўрамон туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори Анорхон Махмудова. — Президентимизнинг аёлларга кўрсатаётган кечис эътиборини кундалик ҳаётимиз, меҳнат фаолиятимизда астойдил ҳис этамиз. Ана шундай юксак эътироф барча хотин-қизларни мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, уни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, фарзандларни комил инсон этиб тарбиялашдек эзгу ишларга даъват этмоқда, уларга қанот бўлмоқда.

Аёл зоти борки, меҳр-муруват, эъзоз ва эҳтиром, рағбатдан маънавий куч-қувват олади. Мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эътибор опа-сингилларимиздаги эртанги кунга ишонч туйғусини тобора мустаҳкамлаб, оилаларнинг аҳил, ҳаётимизнинг янада замонули ва гўзал бўлишига хизмат қилмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

8-mart — Xalqaro xotin-qizlar kuni

ли соҳаларда ибратли фаолият кўрсатаётган ўн уч нафар аёл Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси халқ рессоми Муъссар Темирова зардўзлик бўйича қўллаб шогирдлар етиштирган. Қўлигул чеварнинг қалб кўри, кўз нури, маҳоратидан бунёд бўлган бадий буюмлар юртимизнинг табаррук қадамжолари, муҳташам санъат ва маданият кошоналарини безаб турибди. Ойшахон Кўчқорова, Онесия Саитова каби шифокорларнинг меҳнати туйфайли миллатимиз генофондини янада соғломлаштириш, чақалоқларнинг саломатлиги ҳақида гамхўрликни кучайтириш

ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Умрини деҳқончиликка бағишлаган бу аёлларнинг меҳнати туйфайли пахта, галла ва бошқа екинлар етиштириш бўйича юқори ҳосилдорликка эришилиб, фермерлик харақатини янада ривожлантириш, ёшларни иш билан таъминлаш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Мамлакатимизнинг эртанги кунини, порлоқ истиқбол ёшларнинг нечоғлик билимли, юксак маънавийлиги шахс бўлиб қамолга етиши билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис Ўзбекистон Қаҳрамонлари сафида ўқитувчиликдек шарафли ва масъулиятли касб эгалари кўпчилигини ташкил этиши бежиз эмас.

вий маданият» хуружидан ишончли ҳимоялаш ўқитувчилар зиммасига улкан масъулият юклайди.

Мавлуда Исматова бунини тарафдан англайди. Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 273-умумтаълим мактабида узоқ йиллар педагогик фаолият билан шуғулланган устоз иқтидорли ўқувчилар билан тизимли ишлаш, ўғил-қизларнинг қизиқиш ва лаёқати, интеллектуал салоҳиятига қараб фанлар бўйича ихтисослаштирилган тарзда билим бериш методикасини амалиётга жорий этди. Қўқон шаҳридаги 10-умумтаълим мактабининг математика фани ўқитувчиси Манзураҳон Мадалиева яратган услубий

2014-yil 26-fevral, № 17 (8666)

Бир олам орзулар билан мактаб остонасини хатлаган бола гўёки янги дунёга қадам қўйгандек бўлади. Дарсда ўтириш кўникмаси шаклланади, тартиб-интизомга ўрганади. Тенгдошлари билан мулоқотга, баҳсга киришади. Бугунги куннинг ўқувчиси эса булардан ташқари, 1-синфдан чет тилларни ҳам ўрганишни бошлади. Бунинг учун бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган чет тили дарслик мажмуалари яратиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда 2-синфларнинг чет тилидан дарслик мажмуалари тажриба-синовдан ўтказилаётган бўлса, яқин йилларда бошланғич синфларнинг барчаси дарслик мажмуалари билан тўлиқ таъминланади.

ДОИМИЙ МОНИТОРИНГ

умумтаълим мактабларида чет тилларни ўрганиш жараёнида юзага келаётган барча муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга хизмат қилмоқда

Деярли ҳар бир юртдошимиз дахлдорлик хиссини туйётган ушбу ислохотлар Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди белгиланган вазифаларнинг жойлардаги ихроси ўлароқ амалга оширилмоқда. Шу ўринда табиий савол туғилади: бошланғич синфларда чет тилларни ўқитишнинг сифат ва самарадорлиги кўнгилдагидеми? Ўқитувчиларнинг малакаси талаб даражасидами, бу борада уларга қандай амалий ёрдам зарур?

Вазиятга ойдинлик киритиш, белгиланган вазифаларнинг жойлардаги ихросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан республика бўйича 5та ҳудудда (Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент, Наманган вилоятлари) 2тадан, жами 10та мактабда чет тиллар ўқитилиши ҳолатининг доимий мониторингини олиб бориш белгиланган. Мактабларнинг бири шаҳарда бўлса, иккинчиси қишлоқ ҳудудидан танланган. Масалан, Нукус шаҳридаги 12-, Хўжайли туманидаги 72-мактабда ана шундай мониторинг ўтказилмоқда. Таҳлиллар асосан 3та йўналишда олиб борилаётир.

БОЛА ПСИХОЛОГИЯСИ

Тил ўрганиш жараёнида, албатта, биринчи ўринда болаларнинг психофизиологик ҳолати муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ушбу ўқувчилар Ташхис маркази ходимлари ҳамда психологларнинг доимий қузатувида. Улар дарсда тортиқочлик ва зўриқиш ҳолатларига йўл қўймайди, шахслараро муносабатлар муҳитини яратиш ҳамда ўқув материалларининг ўзлаштирилганлик даражасини, катта ҳажмдаги ахборотни идрок қилишда ўқувчилар малака ва кўникмаларнинг ривожлантирилганлигини таҳлил қилиб боради.

Дастлабки мониторинг натижасига кўра, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги мониторинг олиб борилаётган мактабларнинг 1-синф ўқувчилари катта ҳажмдаги ахборотни идрок қилишда қийналаётгани, малака ва кўникмалар яхши ривожланмагани аниқланган.

Илмий ёндашувга таянган ҳолда фаолиятимизнинг асосий йўналишлари белгиланади. Биз қанчалик тўғри йўлдан кетаётганимиз, илмий асосда, қиёсан ўрганилади. 1-синфда ўқувчи хорижий тилни ўрганаётти. Хўп, бу яхши. Лекин 2-синфга ўтганда унга рус тили ҳам ўқитила бошлайди. Катта ҳажмдаги ахборотни идрок қилишда ўқувчилар малака ва кўникмалари қай йўсинда ривожлантирилиши кераклиги ҳам мониторинг жараёнида таҳлил қилиб борилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Наманган вилоятларида ўқитувчилар синфдаги тортиқоч, уятчан болалар билан характер хусусиятига эътибор берган ҳолда гуруҳларга ажратиб ҳамда яқин тартибда ишлаб, дарсларни ўйин тарзида олиб борган. Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги ўрганилган мактабларда эса ўқувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятлари эътиборга олинмагани маълум бўлди.

Бир ҳижатни доимо ёдда тутиш керак, бола мактабгача таълим мутассасида 20 дақиқалик машғулотларда қатнашган, мактабда эса дарс соати 45 дақиқа. Шунинг учун ўқувчи истаса-истамаса маълум вақтдан кейин зерика бошлайди, ўрнидан туриб ўйнагани келади. Чет тилини ўрганиш жараёнида шу каби ҳиссий зўриқишларнинг олдини олиш учун релаксация машқларидан фойдаланиш лозим. Қорақалпоғистон Республикасида ўрганилган мактабларда чет тили дарсларида ўқувчилардаги чарчок, зерикчи ҳолатларининг олдини олиш мақсадида ўқитувчи "Sleeping" (дам олиш дақиқаси) машқидан, Наманган вилоятларидаги мактабларда "Қоптоқ отиш", "Дарёдан сузиб ўтиш", "Рангларни тўғри топ" каби қизиқарли ўйинлардан, Тошкент вилоятларидаги мактабларда психологик машқлардан фойдаланилган.

МУАЛЛИМНИНГ МАЛАКАСИ

Ўқувчи билан мунтазам тарзда психологлар шугулланаётган бўлса, ўқитувчи малакаси, билими ва касбий маҳоратини методистлар таҳлил қилиб, амалий ёрдам бериб борадилар. Бу вазифа Республика таълим марказига юклатилган.


Яширишга ҳожат йўқ, айрим ўқитувчилар чет тилидан замон та-

лаби даражасидаги билимга эга эмас. Дарсни ҳам шу пайтгача ўзбек тилида ўтиб юрган. Масалага бошқа жиҳатдан ёндашадиган бўлсақ, мактаб ўқитувчиси учун тил муҳити мавжуд эмас, улар ҳеч ким билан чет тилида мулоқотга киришмайди. Бу эса ўз-ўзидан ўрганилган сўзларнинг унутилишига олиб келади. Янги дарслик мажмуаларида эса ўқитувчи китоби фақат чет тилида берилган. Педагог ундан тўлақонли фойдалана олмас экан,

Қарор ва ижро

ахборотни идрок қилишда ўқувчилар малака ва кўникмалари қай йўсинда ривожлантирилиши кераклиги ҳам мониторинг жараёнида таҳлил қилиб борилади.

Яратилган мультимедиа воситалари ўқувчиларнинг чет тилидаги сўзларни ўзлаштиришига кўмаклаш оладими, ўқитувчи 1-синфларда чет тилларни ўқитиш учун зарур



берилган методикалардан хабарсиз қолади, тавсияларни дарс жараёнида қўллай олмайди.

Синфхоналар ва ўқитувчиларнинг дарсларга умумий тайёргарлик ҳолатини олайлик. Синф хонасида бола ёшига мос бўлмаган жиҳозлар мавжудлиги, дарс ишланмаси билан ўтилган дарс мавзуси бири-бирига тўғри келмаслиги, қундалик дарс ишланмасининг методик қўлланмадан шундайлигича кўчириб олингани мониторинг жараёнида аниқланди. Айрим мактабларда дарс жараёнида кўргазмалари воситалар (қўлланма, плакат, фильмлар ва бошқалар)дан фойдаланиш ҳам талаб даражасида эмас.

Яратилган мультимедиа воситалари ўқувчиларнинг чет тилидаги сўзларни ўзлаштиришига кўмаклаша оладими, ўқитувчи 1-синфларда чет тилларни ўқитиш учун зарур тайёргарлик босқичларини ўтагани, дарсда ўқувчининг оғзаки нутқига оид кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган материаллар етарлича берилгани каби саволларга илмий ёндашувда жавоб топилди.

Кузатилган дарсларда бир хил хатоликка йўл қўйилаётгани, яъни ўқитувчи томонидан янги педтехнологияларни ўринсиз қўллаш, асосан гуруҳлар билан ишлаш оқибатида 10–15 фоиз ўқувчилар назоратсиз қолдирилгани ёки яқин тартибда ёндашилмагани маълум бўлди.

ИЛМИЙ ЁНДАШУВ

Илмий ёндашувга таянган ҳолда фаолиятимизнинг асосий йўналишлари белгиланади. Биз қанчалик тўғри йўлдан кетаётганимиз, илмий асосда, қиёсан ўрганилади. 1-синфда ўқувчи хорижий тилни ўрганаётти. Хўп, бу яхши. Лекин 2-синфга ўтганда унга рус тили ҳам ўқитила бошлайди. Катта ҳажмдаги

тайёргарлик босқичларини ўтагани, дарсда ўқувчининг оғзаки нутқига оид кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган материаллар етарлича берилгани, каби саволларга илмий ёндашувда жавоб топилди.

Бу борада дастлабки мониторинг натижалари қандай?

Таҳлилларга кўра, мультимедиа воситалари ўқувчиларнинг инглиз тилини ўрганишида жуда қўл келмоқда. 1-синф ўқувчиси ҳам кўриб, ҳам эшитиб ўрганса, янги сўзлар хотирасида узоқ мuddат сақланиб қолади. Лекин мультимедиа воситаларидаги айрим ўринларда овоз ҳамда сўзлар талаффузи тиниқ ва раvon эмаслиги эътирозларга сабаб бўлмоқда.

1-синф чет тили ўқитувчилари малака ошириш курсларидан ўтган бўлсалар-да, айримларида бошланғич синф ўқувчилари билан ишлаш кўникмаси етишмаётгани сезилди. Ўқитувчилар янги сўзларни ўқувчиларга бўғинма-бўғин тушунтириши, яъни талаффуз қилиши керак. Ўқувчилар ўргатилаётган сўзларни талаффузда хато эшитилганликлари боис яхши қабул қила олмаётган ҳолатлар ҳам бор. Тажрибалар шунга кўрсатадики, чет тили фани ўқитувчиларига методик ёрдам сифатида бошланғич синф методикаси каскад усулида ўқитилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Мультимедиа воситасига келсақ, аксарият ўқитувчиларнинг таъкидлашча, оғзаки нутқга оид малака ва кўникмаларни шакллантириш учун материаллар берилган, ammo талаффузини ривожлантиришга доир машқларга кам эътибор қаратилган. Шу тарзда мониторинг ўтказилаётган мактаблар чет тили ўқитилишининг сифат ва самарадорлигини аниқлаш, бу борада республика миқёсида олиб борилаётган ишларнинг боришини таҳлил қилиш, ўрни келганда амалий кўмаклашиш имкониятини бермоқда.

Абдурахим НОСИРОВ,
Халқ таълими вазирлигининг умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар бoshқармаси бошлиғи,

Азиз НОРКУЛОВ,
"Ma'rifat" муҳбири

Yangiliklarda yurt nafari



❖ Кашқадарёда инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамда бошқа идоралар тасарруфидagi институт, илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик муассасаларининг 140 дан ортиқ технологик ишланмалари намойиш этилди.

Энергия ва ресурс тежайдиган технологиялар, экология, қуёш ва қайта тикланувчи энергия манбалари, биноларни локал иситиш ва ёритиш тизимлари, чиқиндиларни қайта ишлаш, озик-овқат ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари, ичимлик суви, маҳаллий хомашё асосида янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга оид инновацион ишланмалар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Бугдой муртагидан ёғ олиш технологияси бўйича лойиҳани тақдим қилдим, — дейди Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти ўқитувчиси Ойбек Икромов. — Бугдой дони муртагидан 18—23 фоизгача ёғ мавжуд. Ундан олинган ёғлардан озик-овқат саноати ҳамда тиббиётнинг бир қанча тармоқларида фойдаланиш мумкин. Айниқса, косметологияда бу хилдаги ёғлар кенг қўлланилади. Унинг таркибида 12 хил витамин, 18 хил аминокислота ҳамда 21 хил микроэлемент мавжуд. Лойиҳа озик-овқат саноатини янада арзон ва импортбоп маҳсулот билан таъминлаш имконини беради.

Ярмарка доирасида вилоятдаги фермер хўжаликлари, саноат корхоналари ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

❖ Самарқанд темир йўл вокзалида мамлакатимиз Куролли Кучлари сафларида муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб қайтган бир гуруҳ йигитларни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 20 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навабтадга чақирuvi ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарори асосида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар қатнашди.

— Бир йиллик хизмат давомида ҳарбий соҳага оид билим ва кўникмаларга эга бўлиш баробарида ҳаёт мактабини ҳам ўтадик, — дейди Жўрабек Абдурашулов. — Бу эса бизга келгусида ўз олдимизга қўйган мақсад сари астойдил ҳаракат қилишимизга ёрдам беради. Уқш ва меҳнат фаолиятимизда ҳам бизга билдирилган эътибор ва ишончга муносиб бўлиши ҳаракат қиламиз.

Вилоятдаги маҳаллалар, таълим муассасаларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган йигитлар ва уларнинг ота-оналари иштирокида учрашувлар ўтказилмоқда.

❖ Ҳа ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Эртанги кундан умидвор бўлган, ўз келажаги ҳақида қайғурмаган халқ борки, ўғил-қизларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишини кўзлайди. Юртбошимиз куюнчақлик билан олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, унинг ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ эканлигини таъкидлагани шундан.

Халқ таълими вазирлиги томонидан Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида ташкил этилган видеоконференция ўғил-қизларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, хусусан, уларнинг билим салоҳиятини ошириш, маънавиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлом

ЁШЛАР ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК

бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш, белгиланган вазифаларни халқ таълими тизимида амалга ошириш чора-тадбирлари, ҳудудий халқ таълими бошқаруви идораларида ижро интизоми ва фуқаролар мувожазларининг қонун талаблари асосида кўриб чиқилиши ҳолати муҳокама қилинди.

— "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг аксарияти ўқувчи-ёшларнинг жисмоний саломатлигини, маънавий юксалиши ҳамда сифатли таълим олишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятли, — дейди Халқ таълими вазирлиги умумтаълим ва иктисослашган

мактаблар бошқармаси бошлиғи Абдурахим Носиров. — Жумладан, "Болаларнинг жисмоний ва маънавий ривожига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотдан химоя қилиш тўғрисида", "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" (янги тахрирда), "Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида" (янги тахрирда), "Таълим тўғрисида"ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Шунингдек, оилада меҳр-муҳаббат ва ўзаро хурмат муҳитини шакллантириш, оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш, оилада миллий анъаналарга таянган ҳолда бола тарбиялашга оид психологик ва педагогик тавсиялар ишлаб чиқиш, оилавий спорт ва ижодий тўғрақлар машғулотларини ташкил этиш учун умум-

таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, маҳалла гузарларидаги мавжуд спорт заллари, майдончалар ва иншоотлардан фойдаланишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ўқувчи-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оила бюджетини шакллантириш масалаларига оид билимларини ошириш мақсадида тушунириш ишларини олиб бориш белгиланган.

Видеоконференцияда шу каби муҳим масалалар бирма-бир қайд қилинган, вазифаларнинг бажарилишида вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туман(шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари ходимлари баҳамжихат иш тутиши лозимлиги таъкидланди.

Дилшод КАРИМОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Янги веб-портал

унда касб-хунар битирувчилари учун ҳам алоҳида саҳифа очилди

Сўнги йилларда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан электрон ахборот тизими имкониятларидан фойдаланиш борасида бир қатор ютуқларга эришилмоқда.

Хусусан, 2013 йилда кўмитанинг «Ўзбекистон Республикаси ишбилармон ва касаначи аёлларнинг корпоратив портални яратиш» лойиҳаси Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган танловда грант соҳиби бўлди. Шу лойиҳа асосида bizayol.uz веб-портали яратилди. Миллий матбуот марказида Хотин-қизлар кўмитасининг интернетдаги расмий веб-саҳифаси ҳамда янги порталнинг тақдимот маросими ўтказилди.

Тақдимотда кўмита веб-саҳифаси ва портал-

нинг имкониятлари, мавзулар кўлами, дизайни ва бошқа жиҳатлари ҳақида маълумот берилди.

— Веб-порталнинг асосий йўналишлари тадбиркор ва касаначи аёлларга қаратилган. Шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчилари учун ҳам алоҳида саҳифа очилди. Хукуматимизнинг асосий эътибори коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашишга қаратилган бўлиб, бу юртимиз равнақи, иқтисодиётимиз ривожланишининг муҳим омилдир, — дейди bizayol.uz веб-портали бўйича мутахассис Дилором Қўзиёева.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Ҳамкорлик, албатта, самара беради

Республика болалар ижтимоий мослашув марказида болаларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг назорати ва мониторингини ишлаб чиқиш, ушбу йўналишда амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш мақсадида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Ингилишда Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ходимлари, "SOS" — болалар шаҳарчалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари қатнашди.

— Ҳар бир боланинг ўз истеъдоди бор, — дейди "Sen yolg'iz emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси ўқув маркази директори Матлуба Ахунова. — Истеъдод эса доимо ижтимоий кўмакка эҳтиёж

сезади. Оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлигини кучайтириш ҳар бир боланинг ўз келажагини белгилаб олишига катта таъсир кўрсатади.

Ингилишда сўзга чиққанлар оилавий китобхонлиқнинг бола

тарбиясидаги аҳамияти, ёшларни ахборот хуружларидан асраш ва иқтидорли болаларни ҳар томонлама рағбатлантириш юзасида амалга оширилаётган ишлар хусусида атрафлича маълумот беришди.

Мажлисида Жамоатчилик кенгаши фаолиятини янада ривожлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ёрдам кўрсатиш борасида устувор вазифалар, тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Олим ЖУМАОБОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Она тилимиз софлигини сақлайлик!

21 февраль — Халқаро она тили кунини муносибати билан ТАТУ қошидаги академик лицейда маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар она тили миллат кўзгуси экани, ёш авлодни она тилимизга, миллий қадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялашга алоҳида ургу беришди.

— Бугун ёшларимиз она тилимизни мукамал билган ҳолда чет тилларни ҳам ўргансалар нур устига нур бўлади, — дейди Маънавият тар-

ғибот маркази Юнусобод тумани бўлими раҳбари Нигора Абдурахимова. — Аввало ўз она тилини билган инсон бошқа тилларга ҳам хурмат билан қаради.

Тадбирда Юнусобод туманидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари саҳна кўринишлари ва бадий чқишлар намойиш этишди.

Маърифат ТЕМУРЗОДА,
"Ma'rifat" мухбири

Тошкент ислом университетиди ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Халқаро она тили кунига бағишлаб тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларни она тилимизни ҳурмат қилиш, миллий маънавий бойлигимиз сифатида асрашга, унинг имкониятларидан тўғри фойдаланишга ўргатиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан эканини таъкидлашди.

— Инсон учун энг зарур уч нарса бор, улардан бири она

тили, — дейди университетнинг «Ғарб тиллари» кафедраси муdiri Қаҳрамон Исмоилов. — Шу боис мамлакатимизда она тилимизнинг софлигини сақлашга, уни янада бойитишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, ёшларнинг чет тилларни ўрганишига ҳам кенг имкониятлар яратилаётир.

Бундан унутили фойдаланиш зарур.

Кечанинг бадий қисмида талабалар ўзбек, инглиз ва бошқа тиллардаги шеър, куй ва кўшиқларни йиғилганлар эътиборига ҳавола этишди.

Камола ТОШМАТОВА,
Тошкент ислом университетининг маънавият-маърифат ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими мутахассиси

2014-yil 26-fevral, № 17 (8666)

Фаргона водийсида кўплаб йирик sanoat korxonalari mavjud. Bu ishlab chiqarish korxonalarini va tadqiqot muassasalari faoliyatining samaradorligini ta'minlash uchun jahon standartlariga mos zamonaviy nazorat-ўlchov asboblari yaratish ustida jiddiy izlanishlar olib borishni takozo etadi. Prezidentimizning 2011 yil 20 maydagi "Oliy ta'lim muassasalariaro moddiy-texnik bazasini mustahkamlash va yuqori mалаkali mutaxassislar tayёрlash sifatini tubdan yaxshilash chora-tadbirlari tўgrisida"gi qarori ijrosi bўyicha Фаргона politexnika institutida "Asbobsozlik va nazorat ўlchov asboblari" oliy ta'lim muassasalariaro ilmiy tadqiqot laboratoriyasi tashkil qilinishi bu borada izlanishlar, tadqiqotlar keng йўl ochdi. Mazkur laboratoriya ёshlarimizning ilmiy salohiyatini yuksaltirishga xizmat qilmoqda. Ilmiy maktab bўlishi kutilayotgan ushbu darох kadokni buzmасdan mahsulot sifatini nazorat qilish usullari va asboblari, yrim ўtkazgichlar fizikasi, ishlab chiqarishni intellektual asboblar va датчиклар ёrdamida avtomatlashirish, energetika, energiya tejамkorlik va qayta tiklanuvchi energiya manbalari foydalaniш kabi йўналишlardagi tadqiqotlar beшиk bўladi. Nazorat-ўlchov asboblari oliy ta'lim muassasalariaro laboratoriyada yaratiladi.

Ishlab chiqarish amaliyotiga yuqori samaradorlikni oshirish uchun optoelektron metodlar va buzmасdan nazorat qilish as-

boblari nazorat qilish natijasida sanoat korxonalarini ishlab chiqarayotgan mahsulotlarining sifatini, ishonchligini va raqobatbardoshligini ortatadi. Texnologik jarayonlarning avtomatlashirishini jixozlarni samarali bosqarish imkoniyatlarini vujudga keltiradi, energiya tejамkorligini ta'minlashga xizmat qiladi.

Xozirgi kunda ilmiy laboratoriyada yrim ўtkazgichli asboblar yaratish va ishlab chiqarish jarayonlariga

xamda Фаргона davlat universiteti, Toshkent axborot texnologiyalari universiteti Фаргона filiali, Kўkon davlat pedagogika instituti, Andijon davlat universiteti, Namangan davlat universiteti, Namangan muhandislik-pedagogika instituti kabi oliy ta'lim muassasalariaro 20 nafardan ziyad taniqli olimlar jalb etilgan. Ilmiy tadqiqotlarda Toshkent davlat texnika universiteti, ЎzFA ilmiy tadqiqot institutlaridan

тик jixozlar, energiya tejамkorlik va qayta tiklanuvchi energiya manbalari kabi bўlimlarning mavjudligining ўziёk ilmiy izlanishlarning йўnaliшlari kўlami qanchalik kengligidan darak beradi.

Ishchi guruх tomonidan ilmiy laboratoriyaning ilmiy-tadqiqot йўnaliши bўyicha har oyda ikki marta bўladigan йillik ilmiy seminarlar jadvali shakllantirildi. Seminarlarda institut va хamkor oliy ta-

riشga joriy etish bўyicha Европа ittifoqining Tempus dasturi doirasidagi "Ishlab chiqarish korxonalarida innovatsiyalarni tatbiq etish borasida universitetlarning rolini kuchaytirish" loyihasini amalga oshirishmoqda. Ushbu loyiha doirasida laboratoriyaning ilmiy xodimlaridan 4 nafari Ozarbojjon, Ispaniya, Germaniya xamda Portugaliyaga borib mалаka oshirib kelishdi. Ilmiy laboratoriyasi qoshida loyiha mablagini jalb qilgan holda innovatsion ishlanmalarni ishlab chiqarishga joriy etish transferlar markazi tashkil qilindi.

Soxa mutaxassislar bilan kelishilgan holda ўquv jarayonida va ilmiy buyurtmalarni bajarish uchun ishlatiladigan jixozlarning jamlangan rўyxatini rejalashtirilgan grantli molialashtirish xajmida tasdiqlash va jixozlarni sotib olish tenderini ўtkazish bilan bogliq barcha tashkiliy ishlar amalga oshirilmoqda.

Shuningdek, institutda ilmiy laboratoriya йўnaliшlari bўyicha 8ta doktorlik dissertatsiyasi tayёрlanmoqda, 215ta kurs ishi, 154ta bitiruv-mалаkaviy ishi, 18ta magistrlik dissertatsiyasi bajarildi va 17ta ilmiy seminar ўtkazildi. Maqsadimiz — laboratoriya imkoniyatlaridan ўquv va ilmiy faoliyatimizda samarali foydalaniш va bu orqali ishlab chiqarishning, yurtimiz taraqqiyotining yuksalishiga hissa kўshishdir.

С.ЭРГАШЕВ,
ilmiy tadqiqot laboratoriyasi mudiri, texnika fanlari doktori, professor

NAZORAT-ЎLCHOV ASBOBLARI

oliy ta'lim muassasalariaro laboratoriyada yaratiladi

tatbiq etish, texnologik jarayonlarning avtomatlashirish, jixozlarni samarali bosqarish imkoniyatlarini oshirish kabi йўnaliшlarda ilmiy tadqiqotlar olib borilayotir. Bundan tashqari, ishlab chiqarish korxonalarining energetik xarakteristikalarini uchun energiya tejамkorlik va qayta tiklanuvchi energiya manbalari foydalaniшlarini yaratish va tatbiq etish borasida xam izlanishlar boslab yuborilgan.

Ilmiy laboratoriya faoliyatini institutning 6 nafar fan doktori va 20 nafardan ortiq fan nomzodi, 3 nafar katta ilmiy xodim, izlanuvchi, 19 nafar magistr, 25 nafar talabasi

10dan ortiq taniqli olim va mutaxassis ishtiroki ta'minlangan. Bunday ўziga xos yuqori ilmiy salohiyat, tadqiqotlarning samarasi, natijalarning salmogini oshirishga xizmat qiladi. Muхim, bu jarayon ёshlarimiz uchun ilmiy maktab vazifasini ўtatgani bilan хam ahamiyatlidir.

Ilmiy laboratoriya bir necha bўlimlardan iborat. Masalan, "Kadok (mahsulotni buzmасdan nazorat qilish) va interoskopiya", "Yrim ўtkazgichlar va yrim ўtkazgichli asboblar", "Intellektual датчикlar va bosqa elektron quрилmalar asosida ishlab chiqarishni avtomatlashirish", "Energe-

lim muassasalariaro iktidorli talabalar, magistrantlar, katta ilmiy xodim izlanuvchilar va professor-ўqituvchilar qatnashmoqda. Shu bilan birga, institutda oliy ta'lim, fan va ishlab chiqarish ўrtasidagi ўzaro innovatsion хamkorlik mexanizmlarini yanada takomillashtirish maqsadidan kelib chiqib, oliy ta'lim muassasalari, ilmiy tadqiqot institutlari va korxonalar bilan хamkorlik shartnomalari (faoliyat kўrsatayotgan ilmiy markazlar bilan ўquv-ilmiy-ishlab chiqarish majmu kўrinishida) tuzilmoqda.

Ilmiy laboratoriya xodimlari innovatsion ishlanmalarni ishlab chiqar-

Qaror va ijro

МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИ

юридик та'лим sifatini oshirishga ёrdam beradi

Президентимизning "Юридик кадрлар tayёрlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari tўgrisida"gi qaroriga muvofiq, Toshkent davlat yuridik instituti Toshkent davlat yuridik universitetiga aylantirilib, yuridik ta'lim tizimi fundamental asoslarini tubdan isloх qilishning mustahkam пойdevori yaratildi. Ayni paytda universitetda yuqori bilim va salohiyatga ega bakalavr va magistrnlarni tayёрlash borasida qator ishlar amalga oshirilmoqda.

Xususan, ўquv dasturlari ta'lim berishning modulli tizimi qўllanilgan holda, umumёtibor etilgan xalqaro ta'lim standartlari va talablariga muvofiq ishlab chikildi. Ayni paytda darslar talabalarida tizimli taхlil qilish va yuridik faoliyatning teгишли soхalarini bosqarish kўnikmalarini rivojlantirishga qaratilgan ta'lim dasturlari asosida olib borilmoqda.

Юридик ta'limda modulli tizim yangilik bўlib, ўziga xos xizmatlariga ega. Чунonchi, modulli ўqitish moхiyatiga kўra, ta'lim oluvchi ўziga takdim etilgan individual ўquv dasturi asosida mustaqil tayёрgarlik kўradu. Bunday ўquv dasturini amalga oshirish uchun xarakatlar reжasi, axborotlar majmuasi, ўqitish natijalariga erishish bўyicha aniq metodik tavsiyanomalар bўlishi lozim. Modulli ўqitishning asosiy talablari: har bir modulning mазму-

niga doir barcha materialni ўzlashtirib olish bўyicha aniq maqsadni belgilash; modul bir va bir necha didaktik maqsadga erishishni ta'minlashga qaratilishi; modullar mазmuni mustaqil fikrlash, mantiqiy ўylash va amaliy faoliyatga йўnaltilgan bўlishi; kasbiy ijodiy fikrlashni rivojlantirish maqsadida modulning ўquv materialni mазmuni muammolari tarзда berilishiga erishishdir. Modulli ўqitishda ta'lim oluvchilarning bilim, mалаka, kўnikmasi qat'iy ravishda nazorat reytingi tizimida baholaniш zarur.

Har bir modul bўyicha tayёрlandigan ўquv materiallari ўz ichiga ўkishi davrini tўliq qamrab olgan modulli dastur, nazariy materiallar (maъruza), ўquv-uslubiy tarqatma materiallar, individual topshiriqlar, ўquv-ilmiy adabiyotlar rўyxati, mustaqil ishlar uchun topshiriqlar va nazorat topshiriqlarini qamrab oladi. Inchunon, yuridik

ta'lim tizimida modulli ўqitishning joriy etilishi mалаkali хuquqshunos кадрlarni tayёрlash sifatini oshirishga ёrdam beradi. Har qanday tizimga joriy etilgan yangilik ishtirokchilar tomonidan puxta ўzlashtirib olingan taqdirdagina ўz natijasini berishi mumkin. Shu bois yuridik ta'limni modulli ўqitish asosida tashkil etish samaradorligini oshirish maqsadida uning monitoringini ўtkazish mavjud subьekt va obьektiv muammo, kamchiliklarni hal qilish imkoniyatini yaratadi. Ayniqsa, bu borada ilgor tajribalar seminar-treninglar asosida muхoаma etilishi, tashkiliy chora-tadbirlar kўrinishida modulli ўqitishning zamonaviy shakl va usullarini yuridik ta'limga tatbiq etish imkonini beradi.

Jamiytda yuridik кадрlarга ehtiёz ortib borayotgani milliy va xalqaro хuquq normalarini amaliyotda qўllash tajribasiga ega etuk mutaxassislarni tayёрlashni taқo-

zo etmoqda. Eng muхim, bugungi bakalavr va magistrlar ўquv dasturlarini ўzlashtirishni ўz zimmasiga oқlatilgan vazifani teran his qilishi, professor-ўqituvchilar kasbiy moхorati, хuquqni qўllash amaliyoti bўyicha etarli bilim va tajribaга ega bўlishiga bogliq.

Rivojlantirishning hozirgi innovatsion bosqichida yuridik ta'limda yangi istiqbolli davr boslangani inobatga olsak, ўtmishdan farqli ўlarok, naфakat davlat organlari, balki fuқarolik jamiyati institutlari va xususiy tadbiqkorlik subьektlari uchun хam mалаkali yurist кадрlarni tayёрlashni bugungi kunimiz takozo etmoqda. Bunga moхnat bozoridagi raqobat, mutaxassisga kўyilayotgan etuk mалаka va tajribaга ega bўlish talabi etarlicha taъsir kўrsatmoqda.

Юридик ta'limni modernizatsiya qilish muvakkab tadriжiy jarayondir. Shu bois uni чukur ўylab, bosqichma-bosqich isloх qilish jamiyatda хuquqiy madaniyatni oshirish imkonini beradi. Qolaversa, yuridik ta'lim soхasida innovatsion isloхotlarni amalga oshirish demokratik хuquqiy davlat barpo etish va fuқarolik jamiyatining obьektiv ehtiёjlarni hisobga olgan holda, хuquqshunos кадрlarning yangi avlodini tarbiyalashda muхim omil bўlib xizmat qiladi.

Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ,
юрдик fanlar doktori, professor



1996 йил. 9-"А" синфида биология дarsi. Биринчи қаторнинг охириги партасида ўтириб, янги мавзунинг тинглайман. Устозимиз Ориф аканинг ўсимлик хужайралари ҳақида айтганларини барчамиз завқ билан тингладик. Уша вақтлари болалик қизиқимиз устунлик қилиб, тезроқ амалий машғулот ўтишимизни хоҳлардим. Лекин баъзи лаборатория жиҳозларининг етишмаслиги боис мавзу озғак тушунтирилди холос.

2014 йил. 9-"А" синфида биология дarsi. Биринчи қаторнинг охириги партасида ўтириб, янги мавзунинг тинглайман. Устоз Моҳиба опанинг ўсимлик хужайралари ҳақида айтганларини ўқувчилар завқ билан тинглади. Дарсга педагогнинг илғор тажрибасини қузатгани кирган бўлсам ҳам, мавзуга бўлган қизиқимиз устунлик қилди. Муаллимнинг тезроқ амалий машғулотни бошлашини хоҳлардим. Дарс мен кутганимдан ҳам қизикарлироқ давом этди...

Қизикарли дарс

Моҳиба опа ўқувчиларга "Хужайра" мавзусини ўзи яратган электрон дарслик ёрдамида тушунтира бошлади. Проекторда "Ўсимлик хужайраларини микроскопда кўриш" ёзуви пайдо бўлиб, экрандаги видеолавҳалар бир зумда ўғил-қизлар диққатини тортди. Сўнгра ўқувчилар уч гуруҳга бўлиниб, лаборатория ишида фаол иштирок

ни чизишни топшириқ қилиб бераман. Бу усул дарсда зерикаётган болаларни фаоллаштиради. Бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар ҳам расм чизиш жараёнида мавзунинг яхши эсда сақлаб қолади. Шунингдек, уларни мантиқий фикрлашга ўргатиш ҳам дарс самарадорлигини оширади. Мисол учун, 6-синфда бир ва икки уруғ паллани ўсимликлар мавзуси ўтилганда, саксовул ва шувокдан бошқа яна қандай ўсим-

БИОЛОГИЯ ФАНИ

ўқувчиларга тириклик моҳиятини аниқлашди

этди. Ҳеч бир қийинчиликсиз микроскоп, скальпель, томизгич, филтр қоғози, полипропилен ўлчов идишлари, тўплами, пинцетдан ўз ўрнида фойдаланиб, амалий машғулоти аъло даражада ўтказишди. Микроскоп остидан чигит тўқималарини кўриб, хужайраларнинг ҳажми жиҳатидан бир-биридан фарқ қилишини тез ва осон ўзлаштиришди. АКТ ва интерфаол педагогик усулларга бой тарзда ўтилган дарснинг барчага тушунарли бўлганини ўқувчиларнинг юқори балл билан баҳоланганидан ҳам билиш мумкин эди.

— Ҳар бир дарсим қизикарли чикиши учун мавзунинг ҳаётга боғлаб ўтишга ҳаракат қиламан, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги 69-умумтаълим мактабининг биология фани ўқитувчиси Моҳиба Пўлатова. — Бу усулда ўтилган дарснинг тушунарли бўлишини ўқувчилар йилларимдаёқ англаб етганман. 5-синфда ўқиётган кезларим биология ўқитувчимиз Файзулла Назаров мавзунинг қизиқарли воқеалар билан бошлаши хануз ёдимда. "Мушуксимонлар оиласи" мавзусини ўтаётганларидан, биздан ким уйда қандай жонивор боқшини, уларнинг ташқи кўринишини тасвирлаб беришимизни сўрарди. Синфдошларимнинг диққатини жамлаб олганидан сўнгра, ўзи мавзунинг яхшилаб тушунтириб берарди. Уша пайтлардаёқ менда биология фанига қизиқиш уйғонган. Бўш вақтимда доим биология китобини қўлимга олиб, "Қумуш кўзгу реакциялари"ни ўқишни ёқтирардим.

Йиллар ўтиб, орзум ушалди. Ҳозир биология фанидан сабоқ берайман. Дарс қизикарли бўлиши учун пухта тайёрланаман. Мавзуга оид фактларни турли адабиётлардан, интернетдан топиб, ўғил-қизлар билимини бойитишга ҳаракат қиламан. Қуйи синфларда фани математика, расм дарслари билан интеграциялашган ҳолда ўтаман. Мисол учун, ўқувчиларга янги мавзунинг тушунтирилган сўнгра мавзуга оид предметлар расми-

ликлар борлигини аниқлашни уйга вазифа қилиб бераман. Топшириқни бажариш жараёнида, мантиқий тест ҳам тузиб келишади. Кейинги дарсда ушбу тестлар ўқилиб, жавоби гуруҳларга бўлинган ҳолда топилди. Ҳар бир ўқувчи ўз гуруҳи қолиб бўлиши учун ҳаракат қилиди. Ана шундай баҳс-мунозарага бой дарслар ўқувчиларнинг фанга қизиқилишини оширади.

Энг яхши электрон дарслик

Муаллима дарс жараёнида, аввало, педагогнинг ўзи фаол бўлиши керак деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам тинимсиз изланади, ўз устидан ишлайди. 5—9-синфлар учун яратган "Микроскопнинг тузилиши. Хужайраларни ўрганиш усуллари" номида электрон дарслиги ҳам ана шундай изланувчанлик натижасидир. Ушбу қўлланма 2013 йили "Энг яхши электрон дарслик" номинациясида қолиб деб топилди. Бу ҳақда муаллима шундай дейди:

— Айни дамда қўлаб мактабларда электрон дарсликлардан фойдаланилмоқда. Дарсларни самарали ташкил этишни, ўқувчиларнинг мавзунинг яхши ўзлаштиришини истаган ҳар бир ўқитувчи электрон дарсликларни ўз ўрнида қўлламоқда. Бўш вақтимда eduportal.uz сайтига кириб, турли фанлар бўйича тайёрланган электрон дарсликлар билан танишдим. Уларни кўриб, менда ҳам шундай қўлланма яратиш фикри туғилди. 2008 йили мактабимизнинг кимё ва биология хоналари 57 турдаги замонавий жиҳозлар билан таъминланган эди. Ушбу лаборатория анжомларини йиғиб, ўқувчилар билан биргаликда видеолавҳалар тайёрладик. Дарслик тайёр бўлган, Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказига тақдим этдим. Орадан кўп ўтмай, дарслик "Йилнинг энг яхши электрон дарслиги — 2013" танловида қолиб бўлди. Бу янгиликни эшитиб, мендан кўра ўқувчиларим кўпроқ қувонишди. Ҳозир ушбу электрон

Tajriba

дарсликдан ўқувчиларим ҳам ўз компьютерларидан фойдаланиб, мавзунинг чуқур ўзлаштиришга ярапти. Турли кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллашмоқда.

Ютуқлар сири нимада?

Ўқувчилари ҳар йили фан олимпиадалари ва билимлар беллашувида қолиб қўлаб кўриб, ўқитувчига шу саволни бердик. Унинг айтишича, ўқувчида фанга қизиқиш уйғотиш, дарсни қизиқарли ўтишдан ташқари, ўғил-қизларни "Ёш биологлар" тўғрисида жалб этиш самарали натижаларни бермоқда.

— Биология фанига қизиққан ўқувчи дарсдан кейинги тўғраракларга ҳам иштиёқ билан қатнашади, — дейди муаллима. — Фан олимпиадалари ва билимлар беллашувида иштирок этадиган ўғил-қизлар билан алоҳида шуғулланаман. Ушбу вақт мобайнида ўтилган барча мавзуларни



такрорлаймиз, савол-жавоблар ўтказамиз. Бу мулоқот ўқувчи хотирасида муҳрланади. Шу боис бўлса керак, 2012-2013 ўқув йили фан олимпиадасининг шаҳар босқичида биология фанидан 9-синф ўқувчиси Хилола Саидова 2-ўринни, билимлар беллашувининг туман босқичида 6-синф ўқувчиси Соҳида Аминова 2-ўринни, 7-синф ўқувчиси Соҳиба Матқубова эса шаҳар босқичида 2-ўринни эгаллади. Энг қувонарлиси, 8-синф ўқувчиси Нозима Назарова республика босқичида 84 балл билан муваффақиятли иштирок этди. Соҳиба Матқубова 1-ўринни олиб, шаҳар босқичига йўлланма олди.

Яна бир тажриба

Устоз билан суҳбатлашадиган вақтда, қўл телефонидан ёқимли куй тарала бошлади. Моҳиба опа икки дақиқа гаплашгандан сўнгра "Ўзр. Ўтган йили мактабни битириб кетган ўқувчим кўнғироқ қилаяпти. Устоз, дарсингизни соғиндим, қачон борсам бўлади?" — деб сўрапти, деди қолиб. Муаллимнинг айтишича, мактабни битириб, ҳозир академик лицей ва касбухона коллежларида таълим олаётган Хилола Саидова ва Абдухалил Норчаев каби ўқувчилар ҳозир ҳам дарсида қатнашиб туришади. Ўғил-қизлар билан савол-жавоб ўтказишади. Бундай дарслар ўқувчиларнинг фанга қизиқилишини янада оширмоқда.

Моҳиба опа билан хайрлашар эканман, устозимиз Ориф аканинг "Биология ҳаёт ҳақидаги фан бўлиб, юнон тилидаги икки сўздан, яъни "bios" — ҳаёт, "logos" — таълимдан келиб чиққан. Бу фан тирик организмлар, бактериялар, замбуруғлар, ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамларни ўрганади", деган гаплари қулоғим остидан жаранглади. Биз иштирок этган дарс давомида ҳам ўқувчиларнинг биологияга қизиқилишини кўриб, унинг замирида ҳаётга меҳр-муҳаббатни ҳис қилдик.

Гулюз ОРИФЖОНОВА,
"Ma'rifat" муҳбири

NAZORAT TESTLARI

Quyida berilayotgan testlar yordamida informatika fanidan 7-sinf o'quvchilarining olgan bilimini aniqlash mumkin.

1. Matematikada masala shartiga ko'ra tenglama tuzish axborot ustida bajariladigan qanday amal?

- formallashtirish
- o'chirish
- buzish
- nusxalash

2. Axborotli jarayonlar bu — ...

- axborot tashish
- axborotlarni uzatish
- axborotlar ustida bajariladigan amallar bilan bo'g'liq barcha jarayonlar
- axborotni taqsimlash

3. Kompyuterdagi rasmlar va matnlar qanday qurilma yordamida qog'ozga chop etiladi?

- vinchester
- printer
- sistema bloki
- klaviatura

4. Lokal tarmoq uchun zarur qurilmalar:

- server, ishchi stansiyalar
- tarmoq platasi
- maxsus kabel
- barchasi

5. O'zaro tarmoq platalari va maxsus kabinetlar yordamida ulanadi. Bu ta'rif qaysi tarmoqqa tegishli?

- lokal
- global
- mintaqaviy
- barchasi

6. Modemdan qaysi tarmoqlar uchun foydalaniladi?

- lokal, global
- lokal, mintaqaviy
- mintaqaviy, global
- lokal, mintaqaviy, global

7. URL adres asosan qanday bo'g'inlardan tashkil topadi?

- bog'lanish protokoli
- sayt nomi
- provayder adresi
- barchasidan

8. Web-brauzerlarni aniqlang:

- MS Word
 - MS Internet Explorer
 - MS Paint
 - Opera
 - Netscape Navigator
- 2, 4, 5
 - 2, 3, 4
 - 2, 4
 - 1, 3, 4

9. Quyidagilardan qaysi biri pochta qutisi va elektron adreslar bilan abonentlar mulqotini ta'minlaydi:

- Outlook Express
- Provayder
- Internet
- Barchasi

10. Axborotni aniq bir qoidalarga asosida qayta ishlash uchun qulay belgilar bilan almashtirish jarayoni nima deb ataladi?

_____ (kodlash)

11. O'tkazishni bajarang: $17_{10} = ?_2$
_____ (10001)

12. Berilgan sonlarni qo'shing: $10011_2 + 11001_2 = ?_2$
_____ (101100)

13. Elektron pochta web-saytlardan... belgisi bilan farqlanadi.

_____ (@)

14. ASCII da kodlangan axborot... kodlash deyiladi.

_____ (tekis)

15. Morze usuli... kodlash turiga kiradi.

_____ (notekis)

Баҳодир БОЛТАЕВ,
Республика таълим маркази мутахассиси

2014-yil 26-fevral, № 17 (8666)

Жаҳон педагогикасида бола тарбиясига нисбатан турли ёндашувлар, қарашлар мавжуд. Бир гуруҳ педагоглар болани қаттиққўллик билан, итоаткорликда тарбиялаш, иккинчи гуруҳ эса кўнглига қулоқ солиб, тушуниб, меҳр билан вояга етказиш тарафдори. Лекин реал ҳаёт ўрни келганда бу қарашларнинг иккаласидан ҳам фойдаланишни, боланинг ёши, дунёқарashi, тарбияланаётган муҳити, қизиқишлари, мақсадини инобатга олиб муносабатда бўлишни, энг муҳими, таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштиришни тақозо этади.

Хўш, педагогик жараёни инсонпарварлаштириш нима дегани?

Таълим-тарбияга ёндашувига кўра ўқитувчилар қуйидаги тоифаларга бўлинади:

Биринчи тоифа: талабчан, жойи келганда қаттиққўл, лекин болаларни севади. Ўқувчининг фикрини ҳурмат қилади, айб иши учун жазолашдан қайтмайди, шу йўл билан инжиқлиги, хато ва камчиликларини усталик билан енгади, ўзини тутушни ўргатади, тарбияси оғир болалар билан алоҳида ишлайди. Фаолиятида таниш-билишчиликка йўл қўймайди. Ўқувчиларни қўллаб-қувватлашга, зарур пайтда ёрдам қўлини чўзишга доим вақт топади. Маъжозан айтганда «бўш идишни тўлдириш»ни эмас, бола қалбига келажакка интилиш туйғусини мустаҳкамлашни мақсад қилади.

Иккинчи тоифа: жуда юмшоқ, болани жазоламайди, уришмайди, изза қилмайди, лекин ёрдам ҳам бермайди. Ўта хотиржам, ҳеч нарсага қаршилик кўрсатмайди, болани ўз майлига қўйиб беради, чегараламайди. Ўқувчи-

билан қараш, уларни ҳурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишиларда юксак маънавий фазилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш гоёлари билан суғорилган дунёқараш дея изоҳланади. Таълимнинг инсонпарварлашуви эса бола қобилиятининг очилиши, ўқиш-ўрганишга эҳтиёжлари қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлиги таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит муносабатлари уйғунлашувига қаратилганда намоён бўлади.



Fikr, mulohaza, taklif

ИНСОНПАРВАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

ини ҳурмат қилиш керак, деб ҳисоблайди. Агар бола ҳаётда ўз ўрнини топа олмаса, бунга унинг ўзи айбдор, деган зайдла иш кўради. Ёш авлодининг эртанги куни учун масъулиятни ўзидан соқит қилади, ўзини инсонпарвар педагог санайди.

Энди ўйлаб кўринг-чи, халқ фарзандлари тақдирига ўз боласидай ғамхўр бўлган жонкуяр педагог инсонпарварми ёки инсонпарварликни ниқоб қилиб, «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилда иш кўрадиган лоқайд педагогми?

Инсонпарварлик тушунчаси «Фалсафа: қомусий лугат»ида («Шарқ», 2004) одамларга меҳр-муҳаббат

Демак, инсонпарвар таълим принципи болага амалий ёрдам беришдан иборат.

Дарҳақиқат, бизнингча, назорат ва талабчанликнинг етишмаслиги тарбия таъсирини камайтиради. Ота фарзандига китоб ўқишини тайинлаб, ишдан келганда сўрашини айтса-ю, назоратни унутса, бола топшириқни бажармасликка одатланиши мумкин. Худди шунингдек, унга вазифани мунтазам текшириб борадиган ўқитувчилар ишида самарадорлик юқори бўлиши педагогик кузатувлардан маълум.

Бугунги ўқитувчи ўз устида кўпроқ ишлаши, дарсни тўғри режалашти-

риши, лойиҳалаштириши, эришиладиган натижани аниқ кўра билиши зарур. Бунинг учун интерфаол методларни ўз ўрнида қўллаш, кичик гуруҳларда ишлаш, тарқатма материаллар, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш методикасини ўзлаштириш, болада мустақил ишлаш, билим олишга ички хоҳишни кучайтириш талаб қилинади. Ўқитувчи бола хотирасини маълумотлар йиғиндисини билан кетгунча, эгасига етгунча» қабилда иш кўрадиган лоқайд педагогми?

риши, кўрсатма бериши, талаб қилиши, холис баҳолаши, маслаҳат бериши лозим. Буларнинг барчаси ўқувчига амалий ёрдам, яъни таълимни инсонпарварлаштириш деганидир.

Сир эмас, педагогик маҳорат, биринчи навбатда, ўқитувчининг шахсий хислатлари, маданияти, нутқи, одоби, ишонтира олиш, эргаштириш қобилияти билан боғлиқ. Шунини инобатга олган ҳолда педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларига абитуриентларнинг касбий хислатларини, педагогик қобилиятини аниқловчи психологик тестлар киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ана шунда ижодкор, талабчан, адолатпарвар, фидойи, болалар билан самимий муносабатда бўладиган педагог кадрларни етиштириш имконияти янада ортар эди.

Дилноз РЎЗИЕВА,
Низомий номдаги ТДПУ
профессори, педагогика
фанлари доктори

ЎҚИТУВЧИ ҚАЧОН НАЗАРГА ТУШАДИ?

Одатда мактабга янги ўқитувчи келса, ўқувчилар унга қизиқсиниб, ҳар бир хатти-ҳаракатига диққат қилишади. Ўқувчилар-ку майли, ҳамкасб ўқитувчилар ҳам уни зимдан кузатиб, дарс ўтишию юриш-туриши, кийиниши, муомала маданиятига баҳо берадилар. Хуллас, у барчанинг диққат марказида бўлади. Бу эътибор ёш муаллим учун имтиҳон вазифасини ўташи тайин. Демак, янги ўқитувчи таълим муассасасида ўз иш услубини ҳамда педагогик қиёфасини намоён этмоғи зарур. Айниқса, жамоа орасига намунавий янгилик олиб кира олса, нур устига нур. Ана шундагина у чинакам эътиборга тушади, назардан қолмайди...

Миришкор туманидаги 3-мактабга инглиз тили фани ўқитувчиси сифатида қабул қилинган Алмира Тўлиева биринчи дарсига кирганида ўқувчиларнинг бири қўйиб, бири савол берди, баъзилари янги ўқитувчинини атайлаб «имтиҳон»дан ўтказиб ҳам кўришди. Бу ҳол ёш муаллимни довдиратиб қўйдими? Бўлса бордир, лекин муаллима ҳаяжонини енгади, юзага чиқармади. Ўқувчилар қалбига йўл топишга интиди. Диққатини дарсга қаратди. Айниқса, машғулотдан олдин тайёргарлик кўргани унга жуда қўл келди. Шу тарзда болажонларнинг, ҳаттоки устоз ўқитувчиларнинг ҳам кўнглидан чиқа бошлади. Кези келганда тажрибали муал-

лимлар кўмагига таянди. Ўзи ҳам бировдан ёрдамини аямасди. Мана, икки йилдирки, у ширинсуханлиги, оқўнгиллиги ва, энг муҳими, билимдонлиги билан шогирдлари қалбидан чуқур жой олиб, сеvimли устозга айланди. Фарзандларининг инглизчада анчагина «тилини чиқарган» устози Алмира Тўлиева ота-оналар орасида ҳам ҳурмат қозонди.

— У ўз касбига меҳр қўйган, ҳар бир машғулотга жиддий ёндашадиган, ўқувчиларга кунт билан сабоқ берадиган педагог. Мавзуга мос усул танлай олиши, вақтдан унумли фойдаланиб, дарсни қўшимча деталлар билан янада бойитиши, ҳар бир ўқувчинини эътибордан четда

қолдирмаслигининг ўзи бир маҳорат, — дейди ёш мутахассиснинг дарсларини қайта-қайта кузатиб, синовдан ўтказган мактаб директори Болта Бўриев.

Биз муаллимани дарс чоғи учратдик. 6-«А» синфда инглиз тили фанидан машғулот бормоқда. Синфхона компьютер техникаси ҳамда керакли жиҳозлар билан тўлиқ ва дид билан жиҳозланган. Бахс-мунозара авжида. Ўқувчилар бирдай фаол. Мусиқий танаффусдан сўнг компьютер орқали махсус дастур намойиш этилди. Ўқувчилар мустақил равишда мавзу доирасида суҳбатга киришдилар. Дарс сўнгига энг кўп рағбат карточкаси тўплаган ўқувчилар эълон қилинди. Қирқ беш дақиқалик дарс машғулоти поёнига етганини сезмай ҳам қолибмиз. Ўқувчилар ҳам танаффусга чиқинши исташмади. Сабаб нимада? Ўқитувчининг ўқувчи билан тиллаша олиши, ҳар иккала томон ўртасида тўсиқнинг йўқлигида, дўстона муносабат ўрнатилганидими? Бунга эришиш учун эса ўқитувчи ижодкор, санъаткор, қисқа, касбининг устаси бўлмоғи керак. Ана шундагина ўқувчилар-

нинг сеvimли устозига айланади. Шогирдлари унинг ёнидан кетгиси келмайди.

— Бугунги кун ўқитувчиси изланмаса, ўз устида ишламаса, таълим жараёнидан орқада қолиб кетиши турган гап, — дейди Алмира Тўлиева. — Янги педагогик технологияларни дарс жараёнида моҳирона қўллаш олиш ўқитувчининг ижодкорлиги, изланувчанлиги ҳамда меҳнатқашлигига боғлиқлигига амин бўлдим. Ўқувчиларимга янада кўпроқ билим беришда «ZiyoNET» тармоғига ва инглиз тили фанига оид сайтларга кўпроқ мурожаат қилиб тураман...

Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори Алмира Тўлиева каби хорижий тил ўқитувчилари учун айна рағбат бўлди. Сабаби, улар махсус малака сертификатини қўлга киритиб, иш ҳақларига қўшимча 30 фоизгача устама ва қатор имтиёзларга эга бўлмоқдалар. Бундан руҳланган зиёлиларимиз ўз касбларига янада масъулият билан ёндашмоқда.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Эски дўст

Уч-тўрт йил бурун ақир сабабларга кўра, бир неча кун кайфиятим бўлиди. Қон босимим кўтарилиб, тунда яхши ухломмайдиغان бўлдим. Вужудимни тушкунлик қоплади.

Ўзимни чалғитиш учун ул-фатлар давраларига бордим. Кўнгилга яқин кишилар билан суҳбатлар қурдим. Бу нарсалар вақтинча хушнудлик бахш этиб, бироз таскин берса-да, бироқ умумий тушкун кайфиятдан халос қилмади.

Шунда тасодифан кўлимга бир китоб тушиб қолди. Вақт ўтказиш, тушкун кайфиятдан қутилиш учун китобни ўқиш бошладим. Бир неча саҳифадан сўнг асардаги қаҳрамонлар ҳаётига, тақдирига қизиқиб, уни қандай тугатганимни билмай қолбман. Кейин бошқасини ўқишга тушдим.

Ўйкум ҳам, қон босимим ҳам метёрига келди. Энг муҳими, кайфиятим яхшиланди. Бадиий асарнинг инсон руҳий дунёсига берадиган бекиёс хузури яна бир бор ҳис қилдим. Кўп вақтдан буён бадиий китоб ўқимай кўйганим, бу эски дўстимни унутганимга иқрор бўлдим. Ўзимдан ўзим ранжидим.

Шундан сўнг тез-тез китоб дўконларини айланадиган бўлдим. Кутубхонага бордим. Ёшлиқда ўқиган китобларимдан уч-тўрттасини «мазза қилиб» қайта ўқидим.

...Ўқувчилик давримизда кишлоғимизнинг бир чеккасидаги кўримсиз, эски бинода мўъжазгина кутубхона бўларди. Биз мактабдан чиққан, энг кўп борадиган манзилимиз шу жой эди. Кутубхонадаги барча китобларни ўқиб чиққан бўлсак-да, яна қайтадан мутулаа қилишдан эринмасдик. Албатта, бадиий китоблар етишмасди. Янги келган китоблар қўлдан-қўлга ўтиб ўқиларди. Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти, жаҳон ёзувчилари ижоди билан биз кишлоғимизнинг шу кичик кутубхонасида танишганмиз.

Қишлоғимиз туман марказидан анча узокда. Гоҳ-гоҳ марказга борганимизда, биринчи навбатда, китоб дўконларига қирар ва, албатта, беш-ўн та китоб олиб қайтардик.

Китоб ўқимайдиган мутахассис

Бир куни ҳамкасблар кейинги пайтларда одамларнинг китоб ўқимай қўйганлиги, маза-матрасиз кинолар кўпайиб кетаётганлиги ҳақида суҳбатлашиб қолдик. Қўшни таҳририятга яқинда ишга келган ёш журналист йигит бизнинг суҳбатимиздан зерикди, шекилли:

— Ҳозир китоб ўқиш шарт эмас! — деди беписанд оҳангда.

— Нега? — Бараварига ажабланиб сўрадик.

— Масалан, мана мен умримда икита китоб ўқиганман, холос. Амо тенгқурларимнинг ҳаммасидан зўрман: машина бор, уйим бор, Тошкентда ишга қолдим.

— Қанақа китоблар ўқигансиз? — кинояли сўради даврадагилардан бири.

— «Сариқ девни миниб»... — Муаллифини эслолмади у.

— Иккинчиси?

Ёш ҳамкасбимиз бошини қашлади. Бироздан сўнг:

— Ёдимга тушмади, — деди пинагини ҳам бузмай.

Устимдан кимдир бир пақир совуқ сув қуйиб юборгандай музлаб кетдим. Юрагимда оғриқ сездим.

Шу суҳбатдан сўнг баъзи бир ёш ҳамкасбларимнинг қуруқ, ҳиссиз, расмий ҳисобот тарзидаги «услуг»-лари сирини англагандай бўлдим. Бадиий китоб ўқимайдиган бундай мутахассисларнинг аҳолига ачинаман.

Ўқиш ва ёзиш завқи

Инсон ҳавосиз, сувсиз, нонсиз яшай олмаганидек, китобсиз ҳам умр кечиролмайди. Бадиий адабиётнинг инсон маънавий дунёсига таъсири

идораларга кирганимизда пўрим кийинган, тили бийрон йигит-қизларнинг она тилида икки жумлани бир-бирига қўшолмай, ярим варақ хатни ёза олмай терга ботиб ўтирганини кўрамыз. Шунда бадиий асар ўқимайдиган мутахассиснинг фожеаси негизини англагандай бўламан.

Китоб ўқувчига бекиёс маънавий завқ бериш билан бирга, унда ёзма нутқ кўникмасини шакллантиради. Ёзиш инсонга берадиган хузуру эса китоб ўқилганда туйилган маънавий хузурдан бир неча баробар ортиқдир. Сўзнинг маъносини, товланишларини, оҳангини, рангини, қудратини ҳис қилган одам нафақат билимли, саводли, балки жамиятга керакли кишидир. У Ватан равнақиға жуда катта ҳисса қўшиши мумкин ва бундай инсоннинг элга нафи кўпроқ тегади.

— Болалигимдан китобга меҳр кўйдим. Шу меҳр, ҳавас туфайли Тошкентда ўқиб, олий маълумот олдим. Бутун умр мактабда ўзбек тили ва адабиётдан ёшларга сабоқ бердим. Уларда китобга, илм-фанга меҳр уйғотишга ҳаракат қилдим. Ўқувчиларимни яхши инсон, малакали мутахассис бўлиб эл-юртимизга хизмат қилишга даъват этдим, — дейди отахон. — Нафақага чиққан, бундай қарасам, уйимда бир дунё китоб йғилиб қолибди. Ўзим йиллар давомида сотиб олганман, фарзандлар олиб келишган. Булардан одамлар баҳраманд бўлсин, дедим. Ўғил-қизларимни йғиб, уларга маслаҳат солдим. Фарзандларим ниятимни маъқуллашди.

Касби тумани ҳокимлиги раҳбарлари оиламиз ташаббусини қўллаб-қувватлаб, кутубхона қуриш учун ер ажратиб беришди. Баъзилар ўзи бир

китоблар совға қилишади. Ёзувчи ва шоирлар янги чоп этилган асарларидан намуналар жўнатиб туришади.

Бир куни вилоят марказидан бир одам келди. Кутубхонадаги китобларни санаб, бугунги баҳода нархлаб, ҳисоб-китоб қилиб чиқди. Сўнгра Холбой отага таклиф қилди: фалон миллион сўм бераман, китобларингизни менга сотинг, бойиб кетасиз, отахон, деди. Балки у бир олибсотарди, балки муаллимнинг ўзига ўршаган китоб «жинни» сидир. Аммо Холбой ота кўп йиллаб ўтирмай, уни зиё масканидан ҳайдаб чиқарди.

«Ўзингиз ўйланг, Президентимиз маънавият, маърифатга қандай юксак даражада эътибор бераёптисиз. Шундай пайтда биз — ўқитувчилар, зиёдилар у кишига камарбаста бўлиб, баҳоли қудрат кўлимиздан келгунча ёрдамлашсак, юртимиз янада обод бўлиб, халқимиз фаровон яшайди-ку! Ахир, бугун озод Ватанимиз эришяётган муваффақиятлар замирати илм-фан, маънавият ва маърифат турибди-ку!» — дейди Х.Хонкулов.

— Кутубхонага тез-тез кириб тураман, — дейди Қатагон қишлоқ врачлик пункти шифокори Нурли Очилов. — Бу ерда Президентимизнинг асарлари, Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясининг барча жилдлари, марказий газеталар тахлamlари, илм-фан, тарихимизга, замонавий тиббиётга оид китобларни ҳам топиш мумкин. Биз шундай фидойи, жонкуяр, китобсевар ҳамқишлоғимиз борлиги билан фахрланамиз!

Кутубхона 2010 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Холбой ота Хонкуловнинг эзгу ниятлари кўп. Ўзи бош бўлиб қураётган икки қаватли «Ёшлар маркази» биноси ишга тушган, бу ерда ёшлар учун ҳар хил тўғарақлар фаолиятини йўлга қўйишни мўлжаллаган.

КИТОБ - МЎЪЖИЗА

Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch

бениҳоя катта. Адабиёт қалбни тарбиялайди. Адабиётга ошно инсоннинг дили меҳр-муҳаббатга тўлиқ бўлади. Адабиёт инсонни курашга, юксак мақсадлар билан яшашга, халқпарвар, ватанпарвар бўлишга ундайди, бунёдкорлик, яратувчиликка даъват этади. Гоҳи давраларда бугунги ёшлар ҳақида гап кетиб, улардан нолиш бошланганда, мен ёшларнинг биздан устун жиҳатларига эътиборни қаратаман. Улар компьютерни яхши билади, хорижий тилларни ўзлаштирган... Спорт ва санъат, илм-фан соҳасида фарзандларимиз эришяётган муваффақиятлардан гурурланамиз. Бироқ, назаримда, бадиий асар ўқиш, китобхонлик масаласи сал камайгандай туюлади.

Бунинг бир қатор объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Шулардан бири кино, телевидение, компьютернинг ҳаётимиздан кенг ўрин эгаллаганидир. Қўлимиз бўш бўлди дегунча, телевизор мурватини бураймиз. Уйқудан турган, то ишга кетгунча, ишдан қайтиб, то уйқуга ётгунча эрмагимиз телевизор. Ишоннада эса уззукун тикилганимиз компьютер. Ёш болаларни айтмайсизми, мактабдан келиб компьютер олдиға ўтиради. На овқат ейди, на сув ичади, билгани компьютер ўйинлари.

Тўғри, телевидение, компьютер инсоният яратган энг катта мўъжизалардан бири. Аммо бу вოსиталарнинг ижобий томонлари билан бирга салбий жиҳатлари ҳам борлигини асло ёддан чиқармайлик. Гоҳида хизмат юзасидан турли

Кутубхона қурган муаллим

Ўз маблағи ҳисобига кутубхона қурган отахон ҳақида эшитганимда, кўпчилик қатори мени ҳам бироз ажабланиш, бироз ҳайратланиш туйғулари қамраб олди. Бу одам билан танишиш, кутубхонасини кўриш истағи пайдо бўлди. Суриштирсам, у киши-

оддий муаллим бўлсангиз, пулни қаердан олдингиз, дея сўрашади мендан. Томорқамиз кенг-мўлгина. Каттагина богимиз, чорваимиз бор. Шуларнинг даромадидан жамғариб қўйган пулим бор эди. Камига банкдан кредит олдик. Фарзандларим, ҳамқишлоқлар ҳам қараб туришмади...

Қатагон қишлоғида ўн мингга яқин аҳоли истиқомат

Инсон ҳавосиз, сувсиз, нонсиз яшай олмаганидек, китобсиз ҳам умр кечиролмайди. Бадиий адабиётнинг инсон маънавий дунёсига таъсири бениҳоя катта. Адабиёт қалбни тарбиялайди. Адабиётга ошно инсоннинг дили меҳр-муҳаббатга тўлиқ бўлади. Адабиёт инсонни курашга, юксак мақсадлар билан яшашга, халқпарвар, ватанпарвар бўлишга ундайди, бунёдкорлик, яратувчиликка даъват этади.

ни нафақат Қашқадарёда, балки бутун мамлакатимизда кўпчилик зиёдилар яхши билишар, бу маънавият жонкуяри ҳақида қатор оммавий ахборот вოსиталарида мақолалар ҳам чоп этилган экан.

Бугун шаҳару қишлоқларимизда ҳар қадамда қад ростлаб турган бири-биридан кўркам тўйхонау чойхоналар, савдо дўконлари аҳолига турли хил хизмат кўрсатиш шохобчаларини кўриб кўзингиз қувнайдилар. Булар мустақиллик берган шариоит ва имкониятлар туфайли халқимизнинг турмуши кун сайин фаровонлашиб бораётганидан бир нишондир.

Хўш, оддий қишлоқ муаллими Холбой Хонкулов нега ҳар куни фойда келиб турадиган савдо дўкони, тўйхона ёки ошхона эмас, айнан кутубхона қурди?

Иккита умумтаълим мактаби, иккита қишлоқ врачлик пункти бор. Холбой отанинг кутубхонаси ҳамisha мактаб, коллеж ўқувчилари, китобхонлар билан гавжум. Мўъжазгина кутубхона 20 мингдан зиёд китоб фондига эга. Бу ерда ижтимоий-сиёсий адабиётлар, илм-фанга оид ўқув қўлланмалари, бадиий адабиётлар ва болалар учун китоблар тартиб билан жавонларга териб қўйилган. Ўқув зали замонавий мебеллар, иситиш ва совутиш ускуналари билан жиҳозланган. Уч донда компьютер ўқувчилар ихтиёрида. Баъзи китобларнинг электрон шакллари ҳам мавжуд.

Кутубхона фонди йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Чунки ўқитувчилар, журналистлар, нашриётлар бу мўъжаз маърифат масканига тез-тез



Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида шундай ёзади: «Халқимиз доимо маънавий жасорат ҳисси билан яшаган ва бу улғу туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бормоқда. Чунки халқ маънавияти шундай бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, гайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улар ишларга қодир эканини намоян этиди».

Қашқадарёнинг олис бир қишлоғида бутун умр йўқантерганига кутубхона қуриб, одамларга зиё, маърифат тарқатаётган оддий муаллим, жонкуяр инсоннинг маънавий жасорати ана шу фикрларнинг амалий исботи бўлиб кўринади бизга.

Абдуҷалол ТАЙПАТОВ,
ЎЗА муҳбири

2014-yil 26-fevral, № 17 (8666)

Интернет хонасида икки мактаб ўқувчисининг тортишуви беихтиёр эътиборимни тортди. Чамаси, олтинчи ё еттинчи синфда ўқийдиган бу болалар реферат тайёрлаш масаласида бахслашишарди.

— Анвар, тезроқ кўчир, қара, бу мавзуда жудаям кўп экан, — деди шеригига бўйи новчароғи.

— Йўқ, хатоларини кўрмагансанми; гиж-гиж. Буни шундай топширсак, устознинг жаҳли чиқмайди? Йўқ, тўғрилаш керак, — дея иккинчи бола эътироз билдирди.

— Э, сен ўқитувчи ҳаммамизиникини бирма-бир ўқиб ўтиради, деб ўйласанми? Хечам бунақа эмас-да...

Таълим масканларида билим эгаллаётган ўғил-қизларнинг шижоати, катта мақсадлари борлигидан қувонасан киши. Янги педтехнологиялар асосида дарсларини мазмунли ўтаётган, ўқувчини турли касбларга йўналтираётган ўқитувчиларнинг муваффақиятини кўриб қониқиш ҳосил қиламиз. Лекин...

Мактаб ўқувчиларининг суҳбатчи ҳар қандай қалби уйғоқ инсоннинг юрагига оғир ботади. Бир қараганда, оддий ҳолдек. Бироқ "арзимас" муаммолар сирасига қирадиган бундай ҳолатларнинг бугун олди олинмас, эртага ёмғирдан кейин чиққан кўзикориндек бодраб кетади. Лоқайд устозининг "педагогик методи"дан сабоқ олаётган ўқувчилар эса мактаб, коллеж, академик лицей ва ҳатто олий таълим муассасаларида ҳам ўқиш пайтида шунга монанд вазифаларни "қойиллашиб" бажардилар. Аслида, мустақил ишлар, рефератлар тайёрлаш боланинг дарсда эгаллаган билимини янада мустаҳкамлаш, унга мавзу ҳақида аниқ ва лўнда маълумот беришга қўмаклашувчи вазирта ҳисобланади. Бир ўқувчи дарс давомида ўтилганларни тўлиқ тушунмаса ёки мавзу моҳиятини чуқур англаб етмаса, унга мустақил равишда ўқиб-ўрганиши учун рефератлар, ёзма ишларни тайёрлаш топширилади. Бу унинг фақат билимини мустаҳкамлашгагина эмас, балки келгусида илмий иш билан шуғулланишида ҳам ёрдам беради. Аммо бугун бунлар шунчаки қроғозбозлик, кўзбўямачиликка айланиб, ўқитувчининг "замонавий кўргазмалар"ини "семиртириш"га хизмат қилмоқда. Бир куни нуфузли университетнинг учинчи босқичини тамомлаган талаба "ҳасрат"ларини тўкиб солди:

— Мана шу босқични тамомлаганимизча "рефератчи" домлаимизга "қўлбола рефератлар" тайёрлаш билан шуғулландик. Наҳ етмиш беш, юз варақни ёзгунча туллари ухламай чиқардик. Тўғри, бу ҳам билимларимизни мустаҳкамлашнинг аънавий бир усули, бироқ ёзиб бор-



РЕФЕРАТ — ИЖОДИЙ ИШ

у кўчирмачилик билан эмас, мустақил ўқиб-ўрганиш асосида ёзилиши керак

ган ишининг атиги икки варақига қаралмаса, текширилмаса, меҳнатингга ачинасан киши. Ўқитувчимиз учун энг муҳими рефератнинг неча саҳифадан иборат эканлиги эди. Ҳатто унинг имловий, грамматик хатоларига ҳам қарамасди. Шу "хислат"ини сезиб, барчамиз бир хил мавзуда, ҳатто нуқта, вергулгача бир хил бўлган материалларни топширардик.

Ҳақли бир савол тўғилади: ҳўш, мавжуд вазиятни бартараф этиш учун қандай чоралар қўллаш мумкин ёки бу усулдан воз кечиш афзалроқми? Саволларга жавоб топиш мақсадида фан ўқитувчилари ва соҳа мутахассисларига мурожаат қилганимизда улар муҳим фикрларни билдирдилар.

— Мустақил топшириқлар ҳар бир ўқитувчининг иш режасига киритилган, — дейди ўзМУ ўқитувчиси Дилмурод Усмонов. — Бироқ ҳозир аъна тусини олган реферат тайёрлаш "иш"лари, тўғриси айтиш керак, талабани масъулиятсизликка, дангасаликка ўргатмоқдаки, бу болада ижодий фикрлашнинг сустлашуви, ақлий фаолиятнинг пасайишига олиб келади. Қайси ўқувчига бирор топшириқ берманг, шубҳасиз, биринчи бўлиб интернетга югуради. Улар учун дастлабки манба вазифасини интернет сайтлари ўтамоқда. Ҳеч бири ўн-ўн беш варақли реферат ёзиш учун илмий-адабий ки-

тобларга, мавзуга оид адабиётларга "эҳтиёж" сезмайди. Ҳўш, нима қилиш керак? Талабага шундай бир топшириқ берилсинки, тайёр материални кўчириб олиш имкони қолмасин, ўқувчи ёзаётган ишида ўз мустақил фикр-мулоҳазаларини баён қилсин, иши ниҳоясига етгач, уни ёқласин, албатта, фойдаланган адабиётлари рўйхатини аниқ келтирсин. Ана шунда унинг билими ҳаққоний баҳоланади. Ўқитувчи эса назоратни кучайтириши, ҳар бир талабанинг ижодий ишини синчиқлаб, энг кичик деталларигача текши-

Dolzarb mavzu

лар чиқаришни таққилаб, тайёрлаган дарсларини оғзаки ёки қўлёзма кўринишида топширишини шарт қилиб қўйдим.

Худди шу ёшдаги мактаб ўқувчиси Дадаш Орипов эса фанларни «аъло» баҳолашга ўзлаштиришини, устозлари берган вазифаларни ўз вақтида, пухта бажаришини айтди. Аиниқса, она тили ва адабиёт фани ўқитувчисининг топшириқларини жон-дилдан тайёрлашини, муаллими унинг ҳар бир сўзига эътибор бериб, қўллаб-қувватлашини қувониб гапирди.

Албатта, бу каби ҳолатлар барча таълим даргоҳларида ўқитиш жараёнига татбиқ этилган, дейиш бироз нотўғри. Лекин шундай кўнгилсиз вазиятлар томон олиб бораётганлари ҳам оз эмас. Агар муаммонинг туб илдизлари(яъни ўқувчига плагиатликни ўргатаётган воситалар) текширилса, даставвал, улкан маълумотлар базаси — интернет

кўзга ташланади. Бундай "ҳолис хизмат" кўрсатадиган сайтлардаги рефератларнинг ҳар биридан ўнлаб-йигирмалаб орфографик, лексик, грамматик хатоларни топиш мумкин. Тил қонун-қоидаларини чуқур эгалламаган ўқувчига хатолар тўғридек кўринади. Бугун камчиликларнинг эллик фоизини ҳам тўғриламаган талаба эртага уларнинг "сон"ини юз фоизга етказиши тайин. Лев Толстойнинг бир гапи бора: "Агар ўқувчи мактабда бирор нarsани ижод этишни ўрганган бўлмаса, бутун умри давомида тақлид қилиш, нусха олиш билан банд бўлади".

Ҳозир дунё бўйлаб "телемания касаллиги" кезиб юрибди, бу "дард" ечилиши лозим бўлган муаммолар рўйхатидан яна бир ўринни банд этди. Бизнинг таълим муассасаларимизда эса "рефератизм касаллиги" шарпадай сирғалиб юрибди. Бу борада "Тўғрилаш керак", "Олдин олиш керак" деган сафсатлар билан ҳеч бир муаммо ўз ечимини топмайди. Ҳар ким жараёнга ўз амалий улушини кўшса, кўзланган натижаларга эришиш мумкин. Масъулият эса фақат бир кишининг бўйнига юкланмайди, бу — сизу бизнинг, атрофимиздаги инсонларнинг дахлдорлик ҳисси билан бевосита боғлиқ.

Чарос НИЗОМИДДИНОВА,
ЎзМУ 2-босқич талабаси
Т.КАЙСАРОВ олган сурат.

КАСБ ТАНЛАШ ҲАМ САНЪАТМИ?

Гул ўзи чиройли бўлса-да, гўлзорда янада гўзал кўринади. Инсон ҳам ёлғизликни хуш кўрса-да, одамлар орасида ўзини бахтиёр ҳис этади. Шу сабабданми, болалигимдан кўпчилик билан ишлаш, доимо янгликлар қуршовида яшашни орзу қилардим. Касбим шундай бўлса ва доимий банд одам бўлиб, уйга чарчаб келсам-у, ҳамма нарсадан холи дам олсам, дея хаёл сурардим. Бироқ ўй-хаёлларимдаги касб қайси эканлигини ўйлаб тополмасдим. Мурғак қалбим, эндигина оламу одамларни англашга уринаётган хаёлларимда касб турлари бўйича маълумотларни кам билганим учун саволларим билан онамнинг бошини қотирардим, турли касб номиларини эшитиб, ҳар куни ҳар хил касб эгаси бўламан, дея қатъият билан айттардим. Аммо уларнинг барчасидан тез совиб, хаёлимдаги касб қайси эканлигини билолмасдим.

Шу тарзда орадан йиллар ўтди. Лицей ўқувчиси эдим, ҳаваскор ижодкор сифатида телевидение ходимлари билан ишлаб бошла-

дим. Бу соҳа мени ўзига жалб этганди. Қисқа вақт ичида радиога ўзимни синаш имкони туғилди. Ҳаваскорлар кўпчилики эдик. Бир

неча танланганлар орасида мен ҳам борман. Шу тарзда ишимни бошладим. Ўша қизинг жараёнлар пайти сезмагандим. Аммо... Орадан бир неча йиллар ўтгач, касбимдан роҳат олиш ҳисси бу соҳа болалиқдаги орзуларимга ҳамоҳанг эканини англади. Ҳа, бу — болалигимдаги орзуларимнинг акси эди...

Ҳаётимнинг абитуриентлик даври бошланди. Энди аниқ бир соҳани танлашим даркор. Болалиқдан рассомлик, дизайнерлик, шоирлик, зардўзлик каби ҳар хил соҳада ўзимни синаб кўрдим. Аммо уларда келажакимни тасаввур этолмас, орзуларим акси унда дея айтолмас-

дим. Лекин журналистика оламида ўтган қисқа фурсат касбий бахтни ҳис қилишим учун етарли бўлди. Шу боис ҳеч иккиланмасдан, «Журналист бўламан», дея аҳд қилдим.

Ҳозир ҳаётимнинг олтин даври — талабалик онларини бошдан кечирмоқдаман. Танлаган соҳам — журналистика оламига кириб келаяпман. Шу лаҳзадаги миннатдорлик ва шукроналик туйғуларимни сўз билан ифодалай олмайман. Чунки мен касб танлашда адашмадим...

Наргиза БОБОЖОНОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

ҚАЙТА ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Тендер тартиб рақами: 4-MRT-2014/4

Тендер номи: Дарслик ва ўқув қўлланмаларини қайта нашр этиш юзасидан қайта тендер савдолари.

Буортмачи: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Манзил: Тошкент шаҳри, 100159, Мустақиллик майдони, 5-уй.

Молиялаштириш: Давлат бюджети ва Республика мақсадли китоб жамғармаси маблаглари ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур тендер савдоларига дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш учун нашриётлар таклиф этилади.

Тендер савдоларида янги ташкил этиш (булиш, қўшиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлмаган, давлат реестрида рўйхатга олинганга олти ой муддатдан кам бўлмаган, шартномаларни бажармаганлиги учун судга тортилмаган, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш билан шугулланиш учун лицензияга эга бўлган

ҳамда илгари вазирлик билан тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни тўла бажара олган нашриётлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Қатнашиш буортмачига шартномани бажариш имконияти ва малакаси борлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши ва мазкур ҳужжатлар тендер ҳужжатининг иккинчи бобида келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бериши лозим.

Қайта нашр этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ҳамда уларнинг адади куйидаги жадвалда берилган:

Лот рақами	Дарсликлар ва ўқув қўлланма номи	Тили	Ўзуви	Адади	Бир донна маҳсулотнинг максимал нархи (сўмда)					
1-синф										
5	Математика	Ўзбек	лотин	498 270	1 662,18					
		рус	кирилл	67 827	2 029,24					
		қорақалпоқ	лотин	11318	3 899,32					
		қозоқ	кирилл	6177	4 994,75					
		тожик	кирилл	5832	4 392,78					
		қирғиз	кирилл	904	25 218,77					
		туркман	лотин	998	26 358,58					
		Ўзбек	лотин	498 270	652,44					
		рус	кирилл	67 827	769,26					
		қорақалпоқ	лотин	11318	1 388,40					
6	Математика дафтари	қозоқ	кирилл	6177	1 749,60					
		тожик	кирилл	5832	1 551,00					
		қирғиз	кирилл	904	8 363,40					
		туркман	лотин	998	9 132,15					
		Ўзбек	лотин	498 270	693,73					
		қорақалпоқ	лотин	11318	1 301,71					
		қозоқ	кирилл	6177	1 575,95					
		тожик	кирилл	5832	1 438,31					
		қирғиз	кирилл	904	6 902,94					
		туркман	лотин	998	7 662,06					
8	Одобнома	Ўзбек	лотин	498 270	636,71					
		рус	кирилл	67 827	1 049,93					
		қорақалпоқ	лотин	11318	1 215,16					
		қозоқ	кирилл	6177	2 134,36					
		тожик	кирилл	5832	2 201,93					
		қирғиз	кирилл	904	8 869,25					
		туркман	лотин	998	8 042,00					
		Ўзбек	лотин	498 270	588,54					
		рус	кирилл	67 827	668,54					
		қорақалпоқ	лотин	11318	1 114,38					
11	Тасвирий санъат	қозоқ	кирилл	6177	2 134,36					
		тожик	кирилл	5832	2 201,93					
		қирғиз	кирилл	904	8 869,25					
		туркман	лотин	998	8 042,00					
		Ўзбек	лотин	498 270	588,54					
		рус	кирилл	67 827	668,54					
		қорақалпоқ	лотин	11318	1 114,38					
		қозоқ	кирилл	6177	1 326,49					
		тожик	кирилл	5832	1 286,93					
		қирғиз	кирилл	904	6 688,94					
12	Жисмоний тарбия	туркман	лотин	998	6 910,88					
		2-синф								
		15	Ўзбек тили	рус	лотин	67827	1 106,96			
				қорақалпоқ	лотин	9880	1 106,96			
				қозоқ	лотин	5583	1 106,96			
				тожик	лотин	5465	1 106,96			
				қирғиз	лотин	918	1 106,96			
				туркман	лотин	1014	1 106,96			
		30	Тасвирий санъат	Ўзбек	лотин	452489	1 789,31			
				рус	кирилл	61455	2 080,81			
қорақалпоқ	лотин			9880	3 257,68					
қозоқ	кирилл			5810	4 810,33					
тожик	кирилл			7404	4 372,55					
қирғиз	кирилл			893	22 689,77					
туркман	лотин			1014	17 897,75					
Ўзбек	лотин			452489	1 341,98					
рус	кирилл			61455	1 560,61					
қорақалпоқ	лотин			9880	2 443,26					
31	Муסיқа	қозоқ	кирилл	5810	3 566,06					
		тожик	кирилл	7404	2 779,31					
		қирғиз	кирилл	893	14 561,72					
		туркман	лотин	1014	12 038,46					
		3-синф								
		34	Адабиёт (1-қисм)	Ўзбек	лотин	421734	2 008,56			
Ўзбек	лотин			421734	2 008,56					
Литература (1 часть)	рус			кирилл	47 038	3 118,54				
Литература (2 часть)	рус			кирилл	47 038	3 118,54				
Адабиёт (A'debiyat)	қорақалпоқ			лотин	10075	7 925,68				
Адабиёт (Эдебиет)	қозоқ			кирилл	5472	10 182,15				
Адабиёт (Адабият)	қирғиз			кирилл	843	39 539,56				
Адабиёт (Адабиёт)	тожик			кирилл	7830	9 129,49				
Адабиёт (Edebiyat)	туркман			лотин	1021	34 889,97				
Ўзбек	лотин			421734	2 037,00					
37	Геометрия	рус	кирилл	47 038	2 435,00					
		қорақалпоқ	лотин	10075	3 847,82					
		қозоқ	кирилл	5472	5 139,08					
		тожик	кирилл	7830	4 872,00					
		қирғиз	кирилл	843	25 632,00					
		туркман	лотин	1021	22 818,58					
		Ўзбек	лотин	421734	1 846,08					
		рус	кирилл	47 038	2 370,77					
		қорақалпоқ	лотин	10075	3 974,64					
		қозоқ	кирилл	5472	5 344,81					
39	География	тожик	кирилл	7830	4 796,63					
		қирғиз	кирилл	843	26 966,56					
		туркман	лотин	1021	21 993,93					
		Ўзбек	лотин	421734	1 774,28					
		рус	кирилл	47 038	2 079,03					
		қорақалпоқ	лотин	10075	3 522,53					
		қозоқ	кирилл	5472	5 142,71					
		тожик	кирилл	7830	4 057,60					
		8-синф								
		64	Инглиз тили	Барча тиллар учун ягона			405349	2156,80		
66	Француз тили			Барча тиллар учун ягона			35500	2969,88		
				9-синф						
				69	Француз тили	Барча тиллар учун ягона			35983	2962,37
						9-синф				
				44	Иқтисодий билим асослари	қирғиз	лотин	843	22 560,09	
		туркман	лотин			1021	20 855,22			
Ўзбек	лотин	421734	1 661,48							
рус	кирилл	47 038	2 133,69							
қорақалпоқ	лотин	10075	3 012,00							
қозоқ	кирилл	5472	4 310,52							
тожик	кирилл	7830	3 874,94							
қирғиз	кирилл	843	20 969,28							
туркман	лотин	1021	17 616,32							
Ўзбек	лотин	421734	2215,30							
45	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	рус	кирилл	47 038	2844,92					
		қорақалпоқ	лотин	10075	5 036,25					
		қозоқ	кирилл	5472	7 108,54					
		тожик	кирилл	7830	5 688,90					
		қирғиз	кирилл	843	31 059,84					
		туркман	лотин	1021	27 137,41					
		9-синф								
		47	Она тили	Ўзбек	лотин	426540	1 570,80			
				Русский язык	рус	кирилл	42943	1 869,16		
				Қорақалпоқ тили (Qaraqalpaq tili)	қорақалпоқ	лотин	10075	3 002,50		
Қозоқ тили (Қазақ тілі)	қозоқ			кирилл	5592	3 831,57				
Қирғиз тили (Қыргыз тили)	қирғиз			кирилл	843	16 712,76				
Тожик тили (Забони тоҷики)	тожик			кирилл	7830	3 444,39				
Туркман тили (Turkmen dili)	туркман			лотин	1021	14 341,44				
52	Кимё			Ўзбек	лотин	426540	2 552,55			
				рус	кирилл	42943	3 037,39			
				қорақалпоқ	лотин	10075	5 167,04			
		қозоқ	кирилл	5592	6 948,25					
		тожик	кирилл	7830	6 037,38					
		қирғиз	кирилл	843	34 087,97					
		туркман	лотин	1021	28 592,11					
		Ўзбек	лотин	426540	2 310,20					
		рус	кирилл	42943	2 630,93					
		қорақалпоқ	лотин	10075	3 847,82					
53	Физика	қозоқ	кирилл	5592	5 139,08					
		тожик	кирилл	7830	4 310,64					
		қирғиз	кирилл	843	21 529,48					
		туркман	лотин	1021	18 160,87					
		Ўзбек	лотин	426540	1 963,50					
		рус	кирилл	42943	2 336,45					
		қорақалпоқ	лотин	10075	3 974,64					
		қозоқ	кирилл	5592	5 283,05					
		тожик	кирилл	7830	4 689,28					
		қирғиз	кирилл	843	26 348,83					
56	Ўзбекистон тарихи	туркман	лотин	1021	22 100,95					
		Ўзбек	лотин	426540	1 680,33					
		рус	кирилл	42943	2 417,19					
		қорақалпоқ	лотин	10075	3 522,53					
		қозоқ	кирилл	5592	5 142,71					
		тожик	кирилл	7830	4 057,60					
		қирғиз	кирилл	843	22 560,09					
		туркман	лотин	1021	20 855,22					
		Ўзбек	лотин	426540	2 454,38					
		рус	кирилл	42943	2 920,57					
57	Жаҳон тарихи	қорақалпоқ	лотин	10075	5 058,13					
		қозоқ	кирилл	5592	7 044,66					
		тожик	кирилл	7830	5 769,60					
		қирғиз	кирилл	843	32 353,43					
		туркман	лотин	1021	27 896,95					
		8-синф								
		64	Инглиз тили	Барча тиллар учун ягона			405349	2156,80		
				66	Француз тили	Барча тиллар учун ягона			35500	2969,88
		9-синф								
		69	Француз тили	Барча тиллар учун ягона			35983	2962,37		

Мазкур дарслик ва ўқув қўлланмаларининг бошланғич қиймати тўғрисидаги маълумотлар талабгорларга Тендер ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Тендер савдоларида қатнашиш истигини билдирган ва Тендер ҳужжатларини харид этган корхона ва ташкилотлар 2014 йил 26 февралдан бошлаб ҳар кун (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00 дан 17:00 гача тендер савдоларига тегишли қўшимча маълумотларни Тендер комиссиясининг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги "Дарсликлар ва ўқув методик адабиётларининг янги авлодини яратиш" бўлимидан (Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 319-хона, телефон: +99871 239-40-83, факс: +99871 239-40-81) олишлари мумкин.

Тендер ҳужжатлари асосида талаб этиладиган барча ҳужжатлар таклифнинг умумий қийматининг бир фоизидан кам бўлмаган закалат суммаси билан бирга 2014 йилнинг 11 март кун соат 14:00 га қадар Республика таълим марказига топширилиши шарт. Шу вақтдан кечиккан таклифлар қабул қилинмайди. Тендер таклифлари 2014 йил 11 март кун соат 15:00 да Республика таълим марказида (Манзил: Тошкент шаҳри, Фуркат кўчаси 174-уй) барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.

Тендер комиссияси Тендер ҳужжатининг 1 боб 6-бандида белгиланган тартибда Тендер ҳужжатларга қўшимчалар киритиш орқали таклифлар топширишининг охириг мўддатини узайтириши мумкин. Шундай ҳолда барча қатнашчиларнинг ҳуқуқлари ўзгарган мўддатга мутаносиб равишда ўзгаради.

Буортмачи қатнашчилар томонидан тендер таклифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларга жавобгар эмас.

2014-yil 26-fevral, № 17 (8666)

(Давоми. Боши газетанинг
аввалги сонларида.)**ИНСОН
КАПИТАЛИ:****1991 ва 2011 йиллар
ўсмирлари тимсолида**

Этибор берганмисиз, халқи-мизда бир жойга бориб, бирор муаммони ҳал қилиш тўғрисида гап кетса, "У ерда фалончи бор. Этибор берадими?" ёки "Фалончиси?" Бир чақага ҳам эримайди. Дардисар-ку", деган гаплар юради. Демак, ҳар бир инсоннинг жамият билладиган, баҳолайдиган кадр-қиммати бўлар экан. Бу кадр-қиммат XXI асрда "инсон капитали" деб аталмоқда. Оддийроқ қилиб, педагогик тилда айтганда, инсон капитали бу — одамларнинг билим, кўника ва малакаларидир. Одамлар унинг ёрдамида шахсий бойлик ва миллий бойликни яратадилар. Инсон капитали ҳам ҳар бир активнинг бозор баҳоси синга-


ўзбек ёшларини санашга бармоқларингиз етмайди. Қўлга қалам, қоғоз олмасангиз, санокда адашиб кетасиз.

Йигирма йил олдин "Ўзбекистон" деган сўз хорижликларда таажуб уйғотар эди. Бугун хурмат уйғотаётир. Бу ишда ҳам ёшларимиз биздан ўтишаётир. Ўзбекистонни "Оламини махлиё айлаган диёр"га айлантиришяпти. Уларнинг инсон капиталлари билан.

Президентимизнинг "Марра-ни доимо баланд олиб яшанг, эртанги кун бизники, сиздек шижоатли ёшларимизники!", дея фахр билан айтган даъватлари ўз ижобатини топмоқда. Футбол бўйича жаҳон чемпионатида. «Биз Ватан учун деб ўйин-га кирдик. Жамовий ўйин қилганимиз энг катта устунлигимиз бўлди», деди ўсмирлар миллий терма жамоамиз сардори Аббос Махсилатов. У ҳақли равишда Конституциямиз қабул қилинганнинг 21 йиллиги арафасида бир гуруҳ тенгдошлари қатори

**МАҚСАДИ ҲАЁТИЙ,
АЗМИ ҚАТЪИЙ**

Iste'dod



Ҳаёт тасодифларга тўла, бироқ илм-да муайян ютуқларга эришиш учун тасодифнинг ўзи етарли эмас. Тошкент кимё-технология институтини талабаси, Президент стипендианти, қатор кўрик-танловлар ғолиби Шавкат Азимов билан суҳбатлашган, ёш тадқиқотчининг таржимаи ҳолини ўқиган киши бунга тўла ишонч ҳосил қилади.

Шавкат Тошкент молия институтини қўшидаги 2-академик лицейни тугатган йили ўқишга кирилмади. Аммо тушунлиққа берилмади. "Бу йил бўлма-са, келгуси йилда ўқишга кириман", деб Тошкент кимё-технология институтининг ахборот технологиялари марказида ишлаб бошлади. Иш ҳар куни қизгин, марказ гажум эди. Кунда-кунора институт профессор-ўқитувчилари, олимлар марказга нимадир юмуш билан келиб, иш асносида Шавкатнинг режалари, қизиқишлари ҳақида сўрарди...

— Бир куни тасодифан техника фанлари номзоди, доцент Нуртожи Хўжамшукоров билан кимё фанининг ҳаётимиздаги ўрни тўғрисида суҳбатлашиб қолдим. У кимё фанининг истиқболи ва биотехнология соҳасининг имкониятлари, илм-фан ривожига қўшадиган хиссаси ҳақида сўзлаб, менда қизиқиш уйғотди. Нуртожи аканинг йўл-йўриқ, мас-лаҳати билан келгуси йили Тошкент кимё-технология институтининг озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси факультети биотехнология йўналишига ҳужжат топширдим, — дейди иқтидорли талаба. — Ҳозир 4-курсда ўқияман. Ўқиб-излашни баробарида турли тадбирлар, илмий-амалий семинарларда фаол иштирок этишга ҳаракат қилаяпман.

Шавкат ўқишга киргач, тасодифий талаба эмаслигини исботлаш учун илмнинг масъулиятли ва шарафли йўлидан боришга аҳд қилди. Дарсдан кейин ҳам турли тажрибалар ўтказиш, соҳада айтса арзигулик янгилик қилишга уриниш унинг кундалик юмушига айланди. 2011 йили бу саяҳ-харақатлар ўз мевасини берди — изланувчан йигит "Талабаларнинг энг яхши инновацион лойиҳаси" республика танловида ҳам ғолиб бўлди. "Энг яхши ижтимоий бизнес гоя" кўрик-танловининг республика босқичидаги муваффақияти ёш тадқиқотчининг галдаги ютуқлар сари ундади. У Тошкент кимё-технология институтини ёш олимларининг "Умидли кимёгарлар" илмий-техникавий анжуманида бакалавр, магистр ва докторантлар ўртасида 2012 йили биринчи, ўтган йили эса иккинчи ўринни эгаллади.

О бод турмуш йили Шавкат Азимов учун муваффақиятлар йили бўлди. Тошкент кимё-технология институтини ўтказган "Йилнинг энг яхши талабаси" кўрик-танловида биринчи ўрин эгаси, Хоразм вилоятида ўтказилган "Талабалар баҳори — 2013" фестивали доирасидаги "Иқтидорли талабалар" кўрик-танловининг техника ва технологиялар йўналишида ғолиб деб эътироф этилди.

Айни пайтда Шавкат давлат буюртмаси асосида "Кўк-яшил сув-ўтларидан фойдаланиб, фармацевтика ва биотехнология объектлари учун биологик фаол моддалар ажратиш" мавзусида фундаментал лойиҳалар доирасидаги илмий-тадқиқот ишларида фаол иштирок этиш баробарида "Микросувўтлар асосида оқсил ва ферментга бой озуқа маҳсулотлари ишлаб чиқариш" мавзусида илмий излашни олиб борапти. Илмий ишининг моҳияти ҳақида ёш тадқиқотчи шундай дейди:

— Микросувўтлар гарчи бир ҳужайрали бўлса-да, улардан олинадиган оқсил, витамин, ферментга бой қўшимчалар, антиоксидант препаратлар, фармацевтик дориворлар озиқ-овқат ва кимё саноати, до-

ришунослик, қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга. Ундан таннархи арзон, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва рақобатбардор технология тармоқни ишга туширишда фойдаланиш мумкин.

Микросувўтларнинг яна бир хусусияти шундаки, стериллаб истеъмол қилинганда иммун тизимини мустаҳкамлаб, инсон танасининг турли касалликларга чидам-лигини оширади. Шунингдек, аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, айрим ҳомиладор аёллар ва болаларда бўладиган қамқонлик, витамин танқислигининг олдини олиш ва даволаш воситаларини ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш имкони мавжуд. Микросувўтлардан олинган витамин, оқсил, ферментга бой қўшимчалар ўзининг фойдали хусусиятлари билан ажралиб туради. Масалан, ферментли қўшимчалар қўшилган ем билан озиқлантирилганда чорва молларининг оғирлиги 25—40, сут маҳсулдорлиги 15—20 фоизга ошади. Ўсимликларда қўлланилганда эса ўсиш жараёнини бир ярим бараварга тезлаштириб, бактерия ва фунгицид касалликларга чидамлигини беш бараварга оширади. Натжидада ҳосилдорлиқни 12—14 фоизга кўтариш имконияти пайдо бўлади.

Шавкат суҳбат асосида лабораториядаги махсус идишларга эътиборимизни қаратди. Иккита махсус идишнинг ҳар бирида ўн бошдан пиё бўлиб, бирига оддий сув, иккинчисига микросувўтли суюқлик қўйилган эди. Оддий сувли идишдаги пиёзларни кўздан кечирганда улардан тўрттаси, микросувўтли идишдаги пиёзлардан эса олти боши кўкарганни кўрдик. Қолаверса, микросувўтда кўкарган пиёзларнинг илдизлари ҳам қалин, узун эди.

Ҳар бир кашфиёт фақат эзгуликка хизмат қилсагина ўз номини оқлайди, эътирофга сазовор бўлади. Бу гапни Шавкат Азимов устозларидан кўп эшитган. Айни пайтдаги илмий тадқиқотларни замирида ҳам шу мақсад мужассам. 2013/2014 ўқув йилида Президент стипендиасига муносиб қўрилгани эса ёш тадқиқотчининг илмий излашилари янги кувват бериб, мақсад сари интилишни янада кучайтирди.

— Юртимизда илм-фан ривожига юксак эътибор қаратилмоқда, — дейди Шавкат Азимов. — Ҳар йили давлат бюджетидан ажратиладиган маблағнинг салмоқли қисми таълимга, янги излашни ва тадқиқотларга йўналтириляётгани, ўқув лабораториялари барча зарур жиҳоз ва анжумлар билан таъминланиб, ёш олимлар муносиб рағбатлантириляётгани фикримнинг ёрқин исботидир. Ёш тадқиқотчи сифатида шу эътибордан мен ҳам баҳраманд эканимдан бахтиёрман. Бу ғамхўрликка жавобан келгусида ўз соҳамни жаҳон тажрибалари асосида пухта ўрганиб, янги тадқиқотларни амалга ошириш, ёшларга чуқур билим бериш ниятидаман.

Шавкатнинг мақсадлари ҳаётий, азми қатъий. Ундаги ишонч, излашидаги изчиллик кишида ҳавас уйғотади. "Келажақ бугундан бошланади" деган шiori билан ўқиб-изланаётган, илмнинг янги марраларини забт этишга астойдил интиляётган ёш тадқиқотчининг олдинда яна қўлаб муваффақиятлар кутаётгани шубҳасиз.

Ҳайридинмурод АБУЛҲАЙДОВ,
"Ma'rifat" мухбири

**БОЛАМ БАХТЛИ
БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ**

ри баҳоланади. У одамнинг меҳнатга ароқлилик даврида кўрсатилган оладиган хизматлари оқимининг баҳосига тенг бўлади. Демак, инсон (иқтисодий маънода) болалик, ёшликда ўрганган билим, кўникмаларини ишлатиб, ўзига ва мамлакатига кўрсатадиган хизматлари туркумининг баҳосига тенг. Ушбу тушунчани аниқ ифодалаш учун америкалик иқтисодчи, Нобель мукофоти лауреати Теодор Шульц "Инсон капитали" истилоҳини истеъмолга киритган.

Фарзандни қандай бахтли қилса бўлади? Унга олтин, қумуш, кўчмас мулк, иморат, хусусий корхона, қимматбаҳо автомобиль, акцияларни бериш мумкин. Лекин бахтни бериб, нотариусда унинг номига расмиёлаштириб, хусусийлаштириб бўлмайди-да. Шу боис азалдан аждоқларимиз болаларини бошқалар бери олмайдиган нарсалар, яъни билим, кўника ва малакалар билан қуроллантиришган (масалан, машхур ривоятлардан бирида айтилганидек, сузишга ўргатишган. Чунки биров учун биров суза олмайди).

Ҳозир ҳам жаҳоннинг манаман деган мулкдорлари, маърифатли, ақлли ота-оналар болаларини ҳаётга, тўри яшаб, бахтли бўлишга ўргатишаётир. Айни пайтда, шу дақиқаларда ҳам. Эринмай, мақсадли, режали. Худди спортчини курашга тайёрлагандек. Натжидада уларнинг болалари кўйи лигадан ўртага, ўрта лигадан юқори лигага, юқоридан олий лигага кўтарилиб боришаётир. Тарбияланмаётган, тайёрланмаётган болалар худди спорт билан шуғулланмайдиган болаларга ўхшайди. Улар ҳаёт лигаларининг пиллапояларига чиқа олмай, қуйида қолиб кетишади.

Жаҳонга ўзини, Ўзбекистонни машхур қилаётган спортчи, билимдон, санъаткор ёшларимиз сони йилдан-йилга ортиб бораётир. Улар ўзларининг нафақат бошқалардан кам эмаслигини, балки кучли эканигини исботламоқда. Бугун жаҳонга машхур

"Ўзбекистон ифтихори" деган юксак шарафга лойиқ қўрилди.

Фарзандларимиз қўлини баланд қилган фақат спорт маҳорати эмас, балки Ватанга садоқат, фарзандлик бурчи, жамоавийлик руҳи ҳам уларга қўшқанот бўлди. Демак, ўсмирларимиз Ватанга садоқат ва жамоавийлик фазилатларининг маъносини англаб, шунга амал қилиб яшашаётир. Бу фазилатлар уларни ғолиб қилаётир.

1991 йилнинг ўсмирлари Мексикани харитадан зўрга топарди. 2011 йилнинг ўсмирлари Мексикани ҳайратга солиб қайтишди.

Мексикаликларнинг "Ким билан ўйнашни истардингиз?" деган саволига болаларимиз жилмайиб: "Бизга бунинг аҳамияти йўқ", деб жавоб беришибди. Камтарлик билан нақшланган бундай метин ишонччи, бирликни кўрган мағрур мексикаликларнинг ўзбек болакаларига ҳурмати орди. Буни билдириш учун байроғимизнинг кўк-яшил рангларини юзларига чизиб, стадионга киришди. Жаҳон футбол шарҳловчиларини Ўзбекистонни шарафлашга мажбур этишди. Улар ўн беш ёшида "Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги" кўкрак нишонига, енгил автомобилга эга бўлди.

Команда аъзоси, сирдарёлик 15 ёшли Бобур Давлатовга ҳам "Спарк" тўхфа этилди. У ўзбекистон бир одоб билан: "Мен Президентимизнинг оддий, қишлоқ болаларига яратиб берган шартрош ва ғамхўрликлари туйғайли шу кунга етдим. Жуда бахтлиман. Бугун отамнинг туғилган кунини. Машинами у кишига совға қиламан", деди...

Уларга миллионлаб ўсмирларимиз ҳавас билан тикилишди. Уларига "Мен-чи?", деб савол беришди. Бу ҳавас эртага 17 эмас, 170, 1700 ғолибни жаҳон шоҳсуларига кўтаради. Бунга ишонамиз.

(Давоми бор.)

Муҳаммад ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор

2014-yil 26-fevral, № 17 (8666)

**ГУРУЧ ДОНАСИ УСТИДА
ЎНТА МИТТИ ГЕНЕРАТОР**

Техас университети (АҚШ) ходимлари Арлингтон Смит Рао ҳамда Ж.С.Чао жуда кичик ҳажмдаги шамол электрогенераторларидан фойдаланиш борасида изланиш олиб боришгаётгани ҳақида маълум қилишди.

Олимларнинг таъкидлашича, битта шамол генератори паррагининг узунлиги атиги 1,8 мм.ни ташкил этади. Ҳайратланарли томони, гуруч донасига худди шундай қурилмадан 10тасини ўрнатиш мумкин. Биргина модул қурилмага эса бутун бошли микрогенераторларнинг жамланмасини жойлаштириш имконияти мавжуд. Юзлаб шамол тегиримонлари мобил телефонлар, планшет ва бошқа қатор электрон қурилмаларни қувватлантириш учун энергия ишлаб чиқаради. Мазкур қурилмани яратишда мустаҳкам никел қотишмасидан фойдаланилгани унинг шамолнинг бирдан кучайиши ва чанг бошига қарши чидамлилигини оширади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, генератор модулини инсон уст кийимлари енгига ҳам ўрнатиш мумкин. Одам ҳаракатланганда, асосан, қўллар силкинганда ҳосил бўлган шамол тўлқини микроқурилма паррақларини ҳаракатга келтирилади ва аккумулятор керакли миқдордаги энергияни қабул қила бошлайди. Маълумот ўрнида шунини айтиб ўтиш мумкинки, мазкур қурилма 2013 йилнинг сентябрь ойида Чао лабораториясида синовдан ўтказилган. Мутахассисларни илҳомлантирган яна бир афзаллик томони шундаки, микрогенераторлар уй деворларига қўшимча «яшил» энергия манбаи сифатида ҳам ўрнатилиши мумкин.



шига тўққинлик қилишини исботлашди.

«The Times of India» нашрида келтирилишича, шифокор Николас Волш бошчилигидаги олимлар 17-19 ёшли ўсмирлар бош миясини махсус технология ёрдамида сканердан ўтказиб, оиладаги арзимас жанжаллар ҳам 11 ёшгача бўлган болалар асаб тизимида кескин ўзгаришлар келтириб чиқаришини аниқлашди.

Бундай болаларда, айниқса, кичик мия ҳажмининг старли даражада ривожланмаслиги маълум бўлди. Бош миянинг мазкур қисми эса мувофиқлаштириш, таълим олиш ва стрессни назорат қилишга жавобгар ҳисобланади. Унинг меъеридан кичик бўлиши эса руҳий бузилиш ва депрессияга олиб келиши мумкин.

**КУЧЛИ БАКТЕРИЯЛАРГА ҚАРШИ
САМАРАЛИ ВОСИТА**

Копенгаген университети (Дания) мутахассисларининг таъкидлашича, саримсоқпиез энг яхши антибактериал восита ҳисобланади. Унинг таркибидаги фойдали моддалар организмнинг энг кучли бактерияларга қарши курашишида ҳам катта наф келтиради, дейилади «Business Standard» нашрида эълон қилинган мақолада.

Университет мутахассиси Тим Хольм Якобсен томонидан олиб борилган изланишларда саримсоқпиез таркибидан адожен деб номланган бирикма ажратиб олинди. Мазкур бирикма хавфли бактериялардан лейкоцитлар (организмдаги инфекцияларга қарши курашувчи хужайралар)га зиён келтирувчи токсинлар ажратиб чиқишига тўққинлик қилиш хусусиятига эга. Олим тадқиқотларда қорасон касаллигини келтириб чиқарувчи «Pseudomonas aeruginosa» бактерияларининг тарқалишини ўрганди. Мазкур бактериялар бир қатор кучли ҳимоя қатламларига эга. Шу боис уларга қарши яратилаётган антибактериал дори воситаларининг таъсири ҳамон пастлигича қолаётган эди. Бироқ адожен бактерияларни 90 фоизгача йўқотиш хусусиятига эга экани билан ажралиб туради. Мутахассисларнинг айтишича, саримсоқ таркибида адожен бирикмаси жуда кам миқдорда учрайди. Аммо ушбу саримсоқ таркибидан қимматли бирикмани керакли миқдорда ажратиб олиш учун имкониятлар мавжуд.



Машраб АҲМАДОВ тайёрлади.



Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатидаги Мератх шаҳри яқинидаги ўрмондан чиқиб келган қоплоннинг икки нафар эркак кишига ҳужум қилгани ҳақидаги хабардан сўнг тиббиёт муассасалари, мактаблар ва дўконлар фаолияти тўхтатилган, жониворни ушлаш ишларига ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари ва ҳарбийлар жалб этилган.

Испаниялик астрономлар томонидан Ой сатҳини мунтазам кузатишга мўлжалланган иккита телескоп орқали енгил автомобил катталигидаги метеоритнинг урилиши кузатилади ва ушбу метеорит Ой сирти жонли тарзда кузатила бошланганидан буён энг йириги сифатида қайд этилди.

Нигериядаги «Боко Харам» жангарилар гуруҳи томонидан Йобе штатидаги Бун-Яди шаҳрида жойлашган мактаб-интернатга уюштирилган босқин оқибатида 29 нафар ўқувчи ҳаётдан кўз юмган, мактаб биносига ўт қўйилган.

«Associated Press» ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, Вьетнам шимоли-шарқидagi Лайтя провинциясидаги қишлоқларнинг бирида 20 метр баландликдаги осма кўприкнинг қулаб тушиши оқибатида 7 киши ҳалок бўлган ва яна 37 нафари жараҳатланган.

**ФАРЗАНДИНИ ОИЛАВИЙ
МОЖАРОЛАРДАН АСРАНГ!**



Болалар бош мияси тузилишини синчиклаб ўрганган Шарқий Англия университети тадқиқотчилари эр-хотин ўртасидаги салбий муносабатлар оилада волега етаётган фарзандлар асаб тизимининг старлича ривожлани-

**ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН
УЧРАШУВ**

Аҳоли ўртасида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, унинг олдини олиш ва бартараф этиш, моддий бойликларни асраш ёнгин хавфсизлиги ходимларидан ўз касбига садоқат, масъулият ва замонавий билимларни талаб этади. Шу маънода, Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги олий техника мактабида ўқув жараёнини замон талабларига мос такомиллаштириш, мутахассисларни ҳар томонлама камол топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яқинда олий техника мактаби ходимлари республикамизнинг бир қанча академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида бўлишди. Жумладан, Навоий вилояти ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда Навоий давлат педагогика институти қошидаги компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейи, Хатирчи енгил sanoat, Нурота қишлоқ хўжалиги, Қизилтепа қурилиш уй-жой коммунал хўжалик, Қизилтепа маиший хизмат кўрсатиш, Навоий техника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежларида бўлиб, ўқувчилар билан учрашувлар ўтказилди. Учрашувларда олий техник мактаб ҳаёти акс этган видеолавҳалар намойиш этилди ва ушбу таълим муассасасида ўқиш истагида бўлган ёшларга яратилган шароитлар хусусида маълумот берилди.

Шавқиддин АБДУЛЛАЕВ,
Ёнгин хавфсизлиги олий техника мактаби
кафедра бошлиги ўринбосари, майор
Фарҳод ХОЖАЕВ,
кафедра ўқитувчиси,
катта сержант

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурдаги «Нобб илмий асбоб-ускуналардан жамоавий фойдаланиш маркази» Давлат унитар корхонаси (Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Мирзо Улугбек кўчаси 83-уй, ИНН: 301503259) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президентининг 2014 йил 21 февралдаги №5-19 рақамли буйруғи билан ўз фаолиятини тўхтатади. Барча даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомда қабул қилинади.

Эълон • реклама • Эълон • реклама • Эълон • реклама • Эълон •

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти куйидаги кафедралар бўйича кафедра мудирининг лавозимига, профессор, доцент, катта ўқитувчи ва ўқитувчининг лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

I. Дастгоҳли рангтаъсир кафедраси

- 1) доцент
- 2) катта ўқитувчи

II. Чизматасвир кафедраси

- 1) ўқитувчи

III. Ҳайкалтарошлик кафедраси

- 1) ўқитувчи

IV. Маҳобатли рангтаъсир кафедраси

- 1) профессор
- 2) ўқитувчи

V. Тасвирий санъат тарихи ва назарияси

- 1) доцент
- 2) катта ўқитувчи

Танловда иштирок этиш учун даъвогарлар куйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: — институт ректори номига ариза; — ходимлар шахсий варақаси; — олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларининг нусхалари; — меҳнат дафтарчаси нусхаси; — илмий ва ўқув-методик ишлари, ҳисоботлар, ижодий ишлари рўйхати, ижодий ишлар фотоальбоми, каталоглар.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида мазкур институтнинг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани,

Мироншоҳ кўчаси, 123-уй.

Тел.: 255-18-33, Факс: 255-18-92

Gurung

Keling, bir kulishaylik

ХЎРОЗ КЕЧРОҚ
КИЧҚИРСИН...

— Бу ер кишлок, одамларни хўроз уйғотади. У кичқириши билан ҳамма ўрнидан кўзғалиб, юмушларига уннаб кетади, — деди таътилни кишлокда ўтказиш учун келган жиянини уйғотаркан холаси.

— Унда унга айтинг, илтимос, саккиз бўлмаси чирилламасин, — деди кўзларини ишқанганча болакай.

РОСТ ГАП

— Айтинг-чи яхши киз, сизга ҳеч ким Мадоннага ўхшар экансиз, демаганми? — деди бекатда керилиб ўтирган кизга гап отишга сўз тополмаган йигит.

— Йўқ, — деди кошларини чимирганча киз, хушомадга мойиллигини яширолмади.

— Тўғри, сизни алдашмабди. Ростдан ҳам, унга ўхшамасиз, — деди энсаси қотган йигит.

COBFA

Набира бувисининг туғилган кунига чиройли гулдаста келтирди.

— Раҳмат, эркатойим, — деди бувиси хурсанд бўлиб. — Бу гулларни жуда ёқтираман. Шунинг учун ҳам ховлимизнинг этагига экиб қўйганман. Айни кунларда шунақа чиройли бўлиб гуллаганки, ҳар тонг боқиб хузур қиларман.

— Энди уларни кўролмайсиз, — деди набираси лабларини тишлаб.

Qatralar

БОЛАНИНГ ҲАМ ЎЗ
ДУНЁСИ БОР

— Ойижон, раҳбарингиздан илтимос қилинг, қишда ҳам сизни таътилга чиқара қолсин.

— Нега, қизалогим?

— Иккаламиз уйда мазза қилиб қор ёғишини кузатардик. Сиз билан бирга бўлишдан ҳеч тўймайман...

ҳатто тушларимда ҳам ўроқ-илтимос қилинг, қишда ҳам сизни таътилга чиқараман. «Дадажон, уйимизга қайтиб кела қолинг...» дея...

— Ойижон, болалар ёмон сўзлар билан бир-бирларини ҳақорат қилишни қаердан ўрганишади, биласизми?

— Ҳўш...

— Кўпинча ота-оналаридан!

— Ўғлим, нега Сарвар дўстинг билан ўйнамай қўйдинг?

— Чунки унинг ота-онаси ажрашаётган эмиш. Кимнинг уйда бундай ёмон иш бўлса, сафимизга қўшмасликка келишиб олдик.

— Вой, ўғлим-а, болада нима гуноҳ?!

— Ана, ойижон, кўрдингизми, бировнинг боласи бўлса ҳам ачинайсиз. Демак, Сарварнинг ота-онаси ҳам ўғилларининг ёлғизлиб қолишдан қўйишиб ярашиб олишади... Тўғри қилиб-мизмиз?!

— Мени, эртага суюнган тоғим бўласан, деб эркалайсиз-а, дадажон...

— Ҳа, ўғлим.

— Унда нега сиз бобомни ҳасса суюнтириб қўйибсиз?

Ruhiyat olami

ЯХШИ КАЙФИЯТ

Нуроний отахон ва онахонларимиз билан саломлашиб, сўрашсангиз, гап орасида содда ва оддийгина қилиб «Димоғинг чоғми?» деб қўйишади. Агар озгина мулоҳаза юритсак, кайфият қачон яхши бўлади, қачонки тўрт мучамиз саломат, ишимиз, оиламизда хотиржамлик... бўлса. Шунда кесаларимизнинг ҳатто ҳол сўрашларида ҳам минг ҳикмат жамлига иқрор бўламиз. Агар кайфиятимиз бузилса, билингки, жисмимизни безовта қилсада, у қадар оғриқ бермайдиган дардларимиз ҳам хуруж қилаётгандек, ўзимизни лоҳас сеза бошлаймиз.

— Айниқса, эрталаб кайфиятга қилинган «хужум» узун куннинг бараксини учирмай қолмайди, — дейди психология фанлари номзоди Г.Бердиев. — Демак, бир-биримизнинг кайфиятимизни кўтариш билан ташкилотимиз, корхонамиздаги иш самарадорлигини оширишга хизмат қилишимиз мумкин, ёки, аксинча. Илмий кузатишлар шуни кўрсатадики, тушкун ҳолатдан қутулиш учун баъзида фақатгина сув ичишининг ўзигина кифоа қилади. Чунки орга-

низмнинг сувсизланиши кўпинча ёмон кайфият ва жиззакиликка сабаб бўлади. Аёллар организмда сув етишмаслиги чарқоқ ва бош оғригини келтириб чиқарса, эркаларда бу ҳолат жиззакилик ва хавотир ҳиссининг кучайишига сабаб бўларкан. Организм сувга эҳтиёжи қонмаслигининг салбий оқибатлари компьютерда ишлайдиганлар ва жисмоний юкларга кўп одамларда яққолроқ намоён бўлар экан. Мутахассислар бунинг олдини олиш учун кунига камида 8 стакан сув ичишни тавсия этишади. Шунингдек, вақти-вақти билан йиғлаб туриш ҳам саломатлик, кайфиятнинг яхшиланишига фойдалидир. Кўз ёшининг кўзларни намлаб туриш ва тозалашдан ташқари, кўнгилни ғуборлардан поклашдек кучга эга эканини яхши биламиз. Инсон йиғлаганда катта миқдорда стресс гормонларидан халос бўлиб, хотиржамлик ҳиссини туйади. Хулоса қилиш мумкинки, йиғлаш кейинги тинчланиш(хотиржамлик) учун зарур табиий воситадир. Хотиржамлик эса яхши кайфиятнинг асосий таянчи.

СОХТАСЕНИ ҚАНДАЙ
БИЛИШ МУМКИН?

ЁҚУТ

1837 йили франциялик кимёгар Марк Годен алюминий, калий ва хром тузларини эритиб, бир карат миқдордаги рубинга эга бўлган! Аслида-ку, буни муваффақият деб бўлмасди. Чунки карат граммнинг ўндан бири ҳисобланади. Годен олган сунъий ёқут ҳам жуда митти эди. Тадқиқотга Фреми ва Фрейль исми кимёгарлар ҳам киришди. Лекин улар ясаган жисмлар ҳам жуда кичик бўлгани боис ҳақиқий ёқут тошларига умуман тенглашолмасди. Бир марта Фреми каттароқ кўринишдаги ёқутни олишга мушарраф бўлади ва уни шошилиб заргарга кўрсатади. Заргар ўз ишининг устаси бўлгани учун, албатта, тошнинг сунъийлигини бир қарашдаёқ сезади. Аммо Фреми уни кимёвий текширув пайтида синашни тақлиф қилди. Таажубки, тош барча синовлардан ўтади. Хуллас, бечора заргар бир томондан ҳам ҳақ, ҳам ноҳақ бўлиб чиқади: унинг олдида табиий эмас, кимёвий йўл билан олинган, аммо барча хусусиятлари бўйича ёқут билан тенглаша оладиган тош турарди. Кимёгар олимлар тадқиқотни янада ривожлантиришга киришдилар. 1886 йили Европа қимматбаҳо тошлар бозориди

яңги ёқутлар пайдо бўлди. Улар Фреми маҳсулотларидан ҳажми ва сифати бўйича анча фарқ қиларди. Бу тошлар «Женева ёқутлари» номини олиб, қаердан топилганлиги сир эди. Ҳеч ким уларнинг табиий ёки сунъийлигини билолмасди. Ваҳоланки, бу тошлар 100 фоиз сунъий, яъни лаборатория шароитида олинган синтетик маҳсулот эди. 1890 йили берлинлик бир заргар қимматбаҳо тошлар сотиш билан шуғулланувчи йирик бир фирмандан 25 дона ёқут тошни сотиб олади. Лекин шу пайтлар «Женева ёқутлари»нинг сунъийлиги ҳақида гап тарқала бошлаган эди. Заргар юрагини ховулаб, сотиб олган ёқутларини Париждаги қимматбаҳо тошларни баҳолаш ташкилотига юборади. Текширув эса уни таажубга солади: тошлар ҳақиқий, аммо ҳар бир тош митти ёқутдан иборат бўлиб, бири бири билан қирралари ёрдамида моҳирлик билан туташтирилганди. Шу-шу, заргарлар анча вақтгача ёқут тошли тақинчоқлар сотиб олиш ва ишлаб чиқаришдан бош тортадилар. Аслида, ҳақиқий Женева ёқути майда тошларнинг ёпиштирилишидан эмас, ёқут куниндан тайёрланади. Гап Женева қўли яқинидаги «Жева» фабрикаси ҳақида кетмоқда. Унинг бошқарувчиси Хранд Жевахиржан умр бўйи сунъий тошлар

ишлаб чиқариш билан шуғулланган. Бу ишда анча илгарилаб, ажойиб натижаларга эришган. Женева ёқутларининг шакли ва кўриниши ўзига яраша: йирик тошнинг марказидан бта ялтироқ йўл тарқалиб, юлдуз шаклини ясади.

— 1892 йили сунъий ёқут ишлаб чиқарила бошлаганидан сўнг бу тошнинг асл ёки сохталлигини ажратиб анча қийин бўлиб қолди. Шундай экан, маълум билимларга эга бўлиш фойдасидан холи эмас, — дейди «Ўзбекгеофизика» бирлашган акциядорлик жамияти қошидаги петрофизика лабораторияси муҳандиси Гулнора Норматова. — Тошнинг қимматбаҳолигини аниқлаш учун шиша идишга сув тўлдириб, ёқутни унга солинг. Идишда қизғиш нур акс этмоғи керак. Ёқутни сут қуйилган шиша идишга солиб текшириш ҳам мумкин. Бунда идишдан нимпушти ранг таралади. Ҳақиқий тошга тикилиб қаралганда қирралари текис, атрофда пуфакчалар кўринмайди. Сунъий ёқутда эса пуфаклар бўлиб, ораси бўм-бўш бўлади. Табиий тошда ёриқлар мавжуд. Сунъий тошда эса ёриқлар ўта даражада текис бўлиб, аниқ кўринади. Соф ёқутга қараганда бир томондан тўқ қизил, бир томондан эса очроқлигини

сезиш мумкин. Табиий қимматбаҳо тошни кўз қовоғига теккизинг. Агар узоқ вақт исимаса, билингки, тошнингиз ҳақиқий. Шиша ёки сунъий тошдан ясалган ёқут бирпасда исиб, ҳатто қизиб кетади. Ёқутнинг ҳақиқийлигини текшириш учун офтобнинг тик нурлари остига қўйинг. Агар сабзидек кўринишини олса, ҳақиқий эмас.

Фан-техниканинг илгарилаб бориши билан бошқа қимматбаҳо тошлар қатори ёқут ҳам инсонлар учун хизмат қила бошлади. Бу борада олмосдан ҳам ўтиб кетди. Олмоснинг ҳатто шишани кесиш хусусиятини билсангиз қарак. Соат тақшини ёқутрасизми? Тўғри қиласиз. Ўзингиз билмаган ҳолда 12, борингки, 16 донгача ёқут тақинчоқ тақиб юрасиз. Ахир, мөҳаник соатлар ичига, албатта, ёқут тошлар ўрнатилди. Соат механизми бир маромда, тўхтамай ишлаши учун ёқут кўзлар инсонга ҳаво зарур бўлганидек зарур. Ёқут ниҳоятда қаттиқ ва мустаҳкам бўлгани боис соат ичидаги подшипниклар ёқутдан ясалди. Соатда ёқут зарралари қанчалик кўп бўлса, шунча узоқ вақт ишлайди.

Барно ХЎЖАМБЕРДИЕВА

2014-yil 26-fevral, № 17 (8666)



ИШОНЧ, ИРОДА ВА ПУХТА ҲОЗИРЛИК

финал босқичида ҳам жамоани галабага етаклайди

Бу йил Наманган шаҳрида бўлиб ўтadиган «Баркамол авлод» спорт мусобақасининг финал босқичига қизгин тайёргарлик кўраётган Қашқадарё вилояти вакиллари ҳам беллашувларда кўтаринки руҳ, мустақам ирода ва юқори жисмоний тайёргарлик билан иштирок этишни, ва, албатта, совриндорлар қаторидан жой олишни мақсад қилишган.

Қарши шаҳрида спортнинг 16 тури бўйича мусобақаларнинг вилоят саралаш босқичлари ўтказилди. 7 худуддан саралаш олинган 1285 нафар спортчилар ўз тенгдошлари билан ўзаро беллашдилар ва вилоят терма жамоасига 180 нафар спортчи саралаш олинди, финал босқичига қизгин тайёргарликни бошлаб юборишди.

Саралаш босқичи мурасасиз баҳсларга бўлди. Айниқса, сузиш, бадий гимнастика, юнон-рум кураши бўйича қайд этилган натижа ва кашф этилган иқтидорлар кишини қувонтиради.

Қарши агробизнес ва тадбиркорлик колледжидан баскетбол бўйича болалар ва қизлар ўртасида ўтказилган мусобақа ҳам қизиқарли кечди. Унда таълим муассасаларидан 140 нафар ўсмир иштирок этди ва якунда мез-

бон жамоа 1-ўринни эгаллади.

Қарши банк колледжидан ўтказилган волейбол мусобақасида Қарши олимпия захиралари спорт коллежи жамоаси 1-ўринни қўлга киритди.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бўлиб ўтган кўл тўпи баҳсларида Фузор тумани жамоаси биринчиликини банд этди. Шунингдек, Қарши Болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан ўтказилган шахмат мусобақаларида 58 нафар иштирокчи орасидан голиблар сараланди.

Эркин кураш мусобақаларига Қарши олимпия захиралари спорт коллежи мезбонлик қилди. Мусобақада 119 нафар ўсмир 4 вазн тоифасида голиблик учун кураш олиб борди. Турли вазн тоифалари бўйича Қарши олимпия захиралари, Шахрисабз агроиқтисодиёт касб-уҳунар коллежи вакиллари

юқори ўринларни эгаллаб, финал босқичи йўлланмасини нақд қилиб қўйишди.

Қарши ахборот технологиялари коллежидан ўтказилган стол теннис мусобақаси ҳам қизиқарли ва мурасасиз тарзда ўтди. Унда Муборак ижтимоий-иқтисодиёт, Китоб туман Макрид агробизнес ҳамда Қарши ахборот технологиялари коллежи ўқувчилари жисмоний тайёргарликлари юқори эканликларини яна бир бор намойиш этиб, терма жамоа сафидан жой олишди.

Қарши шаҳридаги марказий теннис кортида ўтказилган теннис мусобақасидан сўнг Қарши банк коллежи ҳамда Қарши олимпия захиралари коллежининг иқтидорли ўқувчилари терма жамоа асосини ташкил этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, енгил атлетика бўйича бўлиб ўтган баҳслар анча мурасасиз кечди. Табиийки, бу баҳсларда ҳам чаққон, эңчил ва кучли ёшлар йўлланмани қўлга киритди. Натижаларга кўра 100, 200, 400, 800, 1500 ва 3000 метр масофаларга юғуриш ҳамда узунликка сакраш бўйича Касби

қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Шахрисабз туманидаги Чоршанбе, Мирроқи спорт-педагогика, Қарши олимпия захиралари, Қарши педагогика коллежи вакиллари яхши натижаларни қайд этди.

Бокс, таэквондо VTF, бадий гимнастика, юнон-рум, дзюдо, оғир атлетика ҳамда сузиш бўйича Қарши шаҳридаги Нуристон академик лицейи, Ахборот технологиялари, Қарши саннат, Қарши банк, Қарши педагогика, Қарши иқтисодиёт, Қарши агробизнес ва тадбиркорлик, Қарши олимпия захиралари, Фузор қишлоқ ҳўжалиги коллежлари, Қарши давлат университети қошидаги 1-академик лицей, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги 2-академик лицей вакиллари ишончли ҳаракат қилиб, йўлланмага эга бўлишди.

Спортчи ёшларни олдинда янада масъулиятли баҳслар, яъни финал босқичи кутмоқда. Улар ишончли ҳаракат қилиб, ўз иқтидорларини намойиш этиб совринли ўринларни эгаллашига ишонамиш.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ, «Ma'rifat» мухбири

Shaxmat saboqlari



Сабоқларни FIDE устаси, мураббий Маматқул Хайлаев олиб боради

ШОҲ ВА ПИЁДА ШОҲГА ҚАРШИ КВАДРАТ ҚОИДАСИ

21-дарс
Тўғри юрвучи пиёда мурдога етди, Фарзинга айланиб шохни мот этди!

Шундай шахмат «жанглири» бўладики, иккала шохнинг қўриқчилари — саркардаларию сипоҳлар, отлару филлар барчаси қурбон бўлади. Шохларнинг бири ёлғиз, бирида эса яккаю ягона аскар — пиёда қолади. Хўш, бу ҳолларда «жанг» натижаси қандай тугайди? Битта пиёда галаба учун етарли бўладими?

Келинг, буни шахмат тахтасида синаб кўрайлик.

56-шаклдаги вазиятда оқ пиёда охири қаторга етиб олиши, шундан сўнг фарзин ёки рухга айланиб қора шохни мот қилиши мумкин. Демак, пиёда олдинга, қора шох эса уни қувиб етишга интилади. Бундай вазиятларда квадрат қоидага амал қилнади. КВАДРАТ — бу барча томонлари тенг бўлган тўғри тўртбурчак. Масалан, шахмат тахтасининг бўйи ва энида саккизтадан катта бор. Демак, бу квадратдир. Олди очик пиёданинг квадратга унинг охири қаторга етиш чегараси билан ўлчанади. Бу масофа қанча бўлса, ён томондан ҳам шунча катта саналади. Бу унинг квадратидир. 56-шаклда пиёданинг квадратга а5-а8-д8-д5 тўртбурчагидан иборат. Буни аниқлашнинг энг осон йўли — пиёда турган хонадан охири қаторга қадар бўлган қия йўлакни аниқлашдир.

Бу а5-д8 қия йўлакдан иборат. Агар юриш навбатига қора шох пиёданинг квадратига кирса, демак, у пиёдага етиб олади ва ўйин дуранг бўлади.

- | | |
|-------------|-----------------|
| 1. ... | Шe4-d5! |
| 2. a5-a6 | Шd5-c6 |
| 3. a6-a7 | Шc6-b7 |
| 4. a7-a8 Фз | Ш b7:a8 дуранг. |

Лекин, юриш оқларда бўлса, шубҳасиз пиёда фарзинга чиқишга улгурар эди.

57-шаклдаги вазиятда эса оқ шох h7 пиёдасининг квадратига. Лекин, юриш қоралардан бўлса, шох уни қувиб ета олмайд. Гап шундаки, бошланғич ҳолатдан пиёда бирийўла икки хона сурилиши ва квадрат чегарасини кескин қисқартириши мумкин.

1. ... h7-h5!
Энди квадрат h5-h1-d5-d1 тўртбурчагидан иборат. Шох ўз юришида бу ораликка қира олмайд.

2. Шb7-c6	h5-h4
3. Шc6-d5	h4-h3
4. Шd5-e4	h3-h2

Пиёда манзилига «эсон-омон» етиб олади. Шундай ҳолатлар бўладики, шох квадратга бўлса-да, рақиб пиёдасига ета олмайд. Сабоби, йўлда шохга ўз пиёдаси тўғанок бўлади.

58-шаклда гарчи қора шох «чегарада» бўлса-да, оқ пиёдага етолмайди.

1. h4-h5	Шe4-e5
2. h5-h6

Энди пиёданга йўлдан «олиб ташлаш» (f6-f5) ёки уни айланиб ўтиш учун (Шe5-e6) вақт талаб этилади.

ВАҚТ — шахматда юришлар билан ўлчанади. Қўшимча юриш қилиш — суръат йўқотишдир.

2.	Шe5-e6(ёки f6-f5)
3. h6-h7	Шf6-f7
4. h7-h8	Фз

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:


1. Квадрат нима? У қандай аниқланади?
2. Қуйидаги вазиятда юриш қоралардан. Оқлар: Шh1, пиёда — a2. Қоралар: Шh8. Ўйин қандай тугайди?
3. Шахматда вақт қандай ўлчанади?

«Шахмат — бу ақлнинг қуйма тошидир».

И.Гёте

НОДИРБЕК ХОРАЗМДАН БЕКОРГА ГАЛМАГАНИНИ ИСБОТЛАДИ

Пойтахтимизда шахмат бўйича эркаклар ўртасида Ўзбекистон чемпиони 1-лига ярим финал баҳслари якунига етди. Швейцарча тизимда 11 турдан иборат бўлган мусобақада 1-ўрин Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги 5-мактабнинг 6-синф ўқувчиси, 12 ёшли иқтидор соҳиби Нодирбек Ёқуббоевга насиб этди!



кўтарилган эди.

Мусобақа низомига кўра, юқори олти ўринни эгаллаган қуйидаги шахматчилар 28 февраль — 11 март кунлари ўтказиладиган 1-лига финал турнирида иштирок этиш имкониятини қўлга киритишди:

1. Нодирбек Ёқуббоев (Хоразм) — 8,5 очко.
2. Элбек Алиқулов (Тошкент) — 8,5.
3. Нодирбек Абдусатторов (Тошкент) — 8.
4. Нодира Нодиржонова (Тошкент) — 7,5.

5. Владимир Владимиров (Тошкент вилояти) — 7,5.

6. Ирина Геворгян (Тошкент) — 7,5.

Мусобақада иштирок этган 7 нафар шахматчи қизлар (Юлдуз Ҳамроқулова, Ирина Геворгян, Севара Боймуродова, Нодира Нодиржонова, Сарвиноз Қурбонжоннова, Гулрухбегим Тоҳиржоннова, Нодирабегим Парпиева)дан 2 нафари финал босқичи йўлланмасини қўлга киритгани эътиборлидир.


Эслатиб ўтамыз, сал олдинроқ хотин-қизлар ўртасида 1-лига финал турнири якунланиб, унда қуйидаги шахматчилар шохсупадан ўрин олган эди:

1. Ирода Иброҳимова (Сурхондарё) — 7,5 очко.
2. Мафтунна Маматқулова (Тошкент вилояти) — 7.
3. Райҳон Дониёрова (Сурхондарё) — 6,5.


Энди улар шу йилнинг 23 март — 4 апрель кунлари Тошкентда ўтказиладиган мамлакат биринчилиги олий лига баҳсларида иштирок этишади.

Ҳусан НИШОНОВ


Shaxmat



56-шакл



57-шакл



58-шакл

O' T I S H


B A L L A R I

**MENING SHAHRIM. TA'LIM –
YANADA KO'PROQ YANGI TESTLAR!**



ABITURIYENT!

**SEN O'QISHGA
KIRISHGA TAYYORMISAN?**



**BIOLOGIYA
KIMYO
TARIX
GEOGRAFIYA
ONA TILI
VA ADABIYOT**

**QO'NG'IROQ QIL!
SOTIB OL!
TAYYORLAN!
O'QISHGA KIR!**

**MATEMATIKA
FIZIKA
INGLIZ TILI
NEMIS TILI
FRANSUZ TILI**

Guvohnoma №005067-03

(99871) 283-23-79, 283-39-34, www.mg.uz

SHAHARIM

8-mart – Xalqaro xotin-qizlar kuni

ЧЕВАР ТАЛАБА-КИЗЛАР

«Хунарманд чевар киз» тўғараги Термиз давлат университетига қаршли 2-талабалар тураржойида ташкил этилган. Айни пайтда ушбу тўғарақда талаба-қизлар халқ амалий санъати бўйича тажрибали устозларидан маҳорат сирларини ўрганмоқда.



“Устоз-шогирд” анъанаси асосида сабоқ олаётган чевар қизлар Сурхон воҳасига хос хунармандчилик намуналари, хусусан, сурхонча қасоба дўппи, каштали сўзана, каштали сурхонча либос сингари юздан ортиқ момомерос буюмларни тиқши, миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган ҳолда маҳсулот тайёрлаш билан машғул. «Хунарманд чевар қиз» тўғараги раҳбари, университетнинг 2-курс талабаси

Роҳат Тангрибердиеванинг айтишича, дарсдан сўнг мазкур тўғарақда буш вақтини самарали ўтказиш иштиёқидagi талаба-қизлар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда.

Суратларда: талабалар Роҳатой Алимардонова, Роҳат Тангрибердиева, Ситора Алимардонова, Мафтуна Зиёева ва Дилшода Чориева.

Фарход АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYO-ROV, Farhux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Farhod RIZAYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, “Учитель Узбекистана”), Mirzakarim XUDDIYEV, Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, “Учитель Узбекистана”), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. Г-226.
Tiraj 67180.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib boshish tahririyat raxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrig qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javohar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib – 233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi – 233-53-14, fan, oliy va o'rta maxsus, kash-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi – 233-56-45, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi – 233-54-49, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi – 233-54-63, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi – 233-76-40, reklama va marketing bo'limi – 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir:
Olim JUMABOYEV.

Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonadan manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎзА ахуни — 23.25
Topshirildi — 23.45